

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МАДЖИДОВА РАЪНО УРИШЕВНА

АНТРОПОЦЕНТРИК МАҚОЛЛАРНИНГ АКСИОЛОГИК ТАДҚИҚИ
(ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Маджидова Раъно Уришевна

Антропоцентрик мақолларнинг аксиологик тадқиқи (ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида).....3

Маджидова Раъно Уришевна

Аксиологическое исследование антропоцентрических пословиц (на материале узбекского и русского языков).....35

Madzhidova Rano Urishevna

Axiological research of anthropocentric proverbs (on the material of uzbek and russian languages).....68

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....73

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МАДЖИДОВА РАЪНО УРИШЕВНА

АНТРОПОЦЕНТРИК МАҚОЛЛАРНИНГ АКСИОЛОГИК ТАДҚИҚИ
(ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.1.DSc/Fil216 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сапарова Қундуз Отабоевна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хошимов Ғанижон Мирзаахметович
филология фанлари доктори, профессор

Маматов Абди Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

Салимов Рустам Давлетович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “__” _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (373) 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (373) 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил “____” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А.А. Қосимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

И.Т. Хожалиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

А.Б. Мамажонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илмий ҳамжамиятида бугунги кунда аксиологик категория сифатида тан олинган қадрият тушунчаси ҳар қандай шахс ва лингвомаданий жамиятнинг ҳаётий фаолияти, дунёқараши, ҳуқ-атвори ва маданий стереотиплари асосини ташкил этади. Аксиология масалалари умуман фанда ва, хусусан, аксиологик тилшуносликда антропоцентрик йўналтирилганлиги билан ажралиб туради, зеро атроф борлиқдаги нарса, воқеа ва ҳодисалар ёлғиз инсон онгидагина қадрият сифатида муҳим аҳамият касб этади. Референтларнинг аҳамиятлилиги шахс онгида уларни ифодаловчи тил бирликларининг баҳолаш маъноси сифатида қайд қилинади, улар орасида тилнинг паремиологик фондида, шу жумладан, мақолларга алоҳида ўрин берилади. Шу жиҳатдан, паремиологик бирликларнинг баҳолаш аспектини антропоцентрик ёндашув доирасида ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунё тилшунослигида антропоцентрик паремиологик бирликларнинг аксиологик талқини ахборот технологияларининг ҳали шаклланиб улгурмаган ёшлар онгига таъсири доирасининг кенгайиши, жамиятнинг глобаллашуви ва турли лисоний маданиятларнинг интеграцияси, дунёдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг беқарорлиги, диний экстремизм ва терроризм таҳдидлари, дунё ҳамжамияти аъзоларининг кундалик ҳаётида ахлоқсизликнинг кучайиб бориши муносабати билан долзарб аҳамият касб этмоқда, ваҳоланки, антропоцентрик паремияларда асрлар давомида халқларнинг лисоний онгида шаклланиб келган маънавий-маърифий ва ижтимоий-маданий қадриятлар тизими ўз аксини топади, улар шахснинг жамиятдаги ҳатти-ҳаракатлари, коммуникатив фаолиятида намоён бўладиган ўзини ўзи бошқаришнинг мослашувчан механизми бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тилшунослигида инсоннинг ҳуқ-атворини меъёрлаштирувчи ва тартибга солувчи лингвомаданий жамият томонидан ишлаб чиқилган маданий кодларнинг мақоллардаги ифодасини ўрганиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Мақоллардаги маданий кодларнинг вербал маркерлари баҳолаш маънолари тасвирланаётган объектнинг *яхши – ёмон, мумкин – мумкин эмас, ижобий – салбий, рухсат этилган – рухсат этилмаган, зарурий – ихтиёрий, фойдали – зарарли* ва б. параметрлар бўйича ижобий ёки салбий баҳосини ўз ичига оладиган аксиологик шкала орқали акс эттирилади. Бу эса “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да кўзда тутилган давлат ҳамда ўзбек халқининг мамлакатда кенг қамровли ислохотларни амалга оширишда инсонпарварлик, яратувчанлик тамойилларига асосланиш имконини берувчи устувор қадриятлари: инсоннинг шахс сифатидаги қадри, унинг ҳаёти фаровонлиги, Қонун устуворлиги, адолат, эркинлик, фуқаролар ҳуқуқларини, хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш қафолати, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига ғамхўрлик қилиш, соғлиқни сақлаш, уй-жой билан таъминлаш, аёлларнинг

ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, ижодкорлик, таълим, маданият, фан, адабиёт, санъат, фаол ҳаёт тарзи, спорт, баркамол ривожланган авлод, тинчлик, миллатлараро тотувлик, яхши кўшничилик, диний бағрикенглик, мустақиллик, барқарорлик, хавфсизлик ва бошқа вазифалар билан бевосита боғлиқ.¹ Диссертация ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларнинг аксиологик хусусиятлари таҳлили ва тавсифи, шунингдек, улардаги антропоморф маданий кодни акс эттириш хусусиятларини аниқлаш, аксиологик мақоллар диадасидаги қадриятлар ва аксилқадриятлар тизимлари даражасини очиб беришга бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПФ-1875-сон “Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Антропоцентрик ёндашув асосида лингвистик аксиология соҳаси бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий ўқув юртларида, шу жумладан, Мария Кюри-Склодовская номидаги Люблин университетида (Польша), Австралия Миллий Университетида (Австралия), Россия Фанлар академиясининг Тилшунослик институтида (Россия), “Аксиологик тилшунослик” илмий-тадқиқот лабораториясида (Волгоград давлат техника университети, Россия), Санкт-Петербург давлат университетида (Россия), Иркутск давлат университетида (Россия) олиб борилмоқда.

Инсон онги ва тилида атроф оламни аксиологик идрок қилишни акс эттириш муаммоларини ўрганиш натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган, хусусан: баҳолашнинг аксиологик категория сифатида фалсафа, мантиқ, этика ва эстетикага оид ёндош тушунчалар билан ўзаро алоқаси ўрганилди, оламнинг лисоний манзараси ва маданий доминантларни

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947.

аксиологик тавсифлаш дастури ишлаб чиқилди (Волгоград давлат техника университети “Аксиологик тилшунослик” илмий-тадқиқот лабораторияси (Россия)), аксиологик категорияларнинг грамматик воқеланиш усуллари таҳлил қилинди (Россия Фанлар академияси тилшунослик институти, Россия), тил бирликларини этнолингвистик нуқтаи назардан аксиологик таҳлил қилиш методикаси яратилди (Мария Кюри-Скловская номидаги Люблин университети, Польша), сиёсий дискурсни баҳолаш структурасининг модели ишлаб чиқилди (Австралия Миллий Университети (Австралия), қадрият мазмунларининг семиотрик усули ишлаб чиқилди (Иркутск Давлат Университети, Россия), оммавий ахборот воситалари тилининг қадриятли таҳлили асослари тавсифланди (Санкт-Петербург давлат университети, Россия) ва б.

Бугунги кунда тилни аксиологик ёндашув асосида ўрганиш қуйидаги устувор йўналишларда олиб борилмоқда: қадрият мазмунларининг этносемиотрияси; лисоний шахс маънавий ва ахлоқий фазилатларининг умуминсоний қадриятлар билан ўзаро боғлиқлиги; тиллар фразеологик фондининг аксиологик имкониятлари; ижтимоий-сиёсий ва, хусусан, бошқарув фаолиятидаги қадриятларнинг белгиланиши; турли ёш категорияларининг қадриятли жиҳати; пул муносабатлари, оила, вақт ҳақидаги қадриятли тасаввурлар; қадриятлар тизими шаклланишининг гендер хусусиятлари; ва ҳ.к.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Н.Д. Арутюнова, А. Вежбицкая, Ю.Д. Апресян, Н.О. Лосский, В. Франкл, В.И. Карасик, В.П. Тугарин, В. Воркачев, В.Н. Телия, О.Г.Дробницкий, М.С. Каган, А.А. Ивин, Е.М. Вольф, Н.Л. Юган, М.И. Любина, Г.А. Багаутдинова, Т.Г. Бочина, Н.Д. Федяева, М.А. Бредис, В.М. Найдиш, З.С. Арипова, А.А. Берсенева, Б.М.Жўраева, К.Н. Назаров, Р.Х. Рўзиеваларнинг асарларида шахснинг лисоний онги ва лингвомаданий жамиятда қадриятлар мазмунларининг акс этиши муаммолари ёритилган.²

² Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Событие. Факт. – М.: Наука, 1988. – 341 с.; Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – М.: Русские словари, 1996. – 416 с.; Апресян Ю.Д. Образ человека по данным языка. // Вопросы языкознания, № 1, 1995. – С. 67-34; Лосский Н.О. Бог и мировое зло. – М.: Терра, Республика, 1999. – 432 с.; Франкл В. Человек в поисках смысла. – М.: Прогресс, 1990. – 366 с.; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. – 477 с.; Тугарин В.П. Избранные философские труды. – Л.: Изд-во Ленинградского университета, 1988. – 344 с.; Воркачев С.Г. Речевые поступки и оценка моральных качеств личности: показатели безразличия в психологических отношениях. // Филологические науки, № 3, 1993. – С. 85-91; Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. – 288 с.; Дробницкий О.Г. Моральная философия. Избранные труды. – М.: Гардарики, 2002. – 523 с.; Каган М.С. Философская теория ценности. – Санкт-Петербург: Петрополис, 1997. – 205 с.; Ивин А.А. Аксиология. – М.: Высшая школа, 2006. – 390 с.; Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. – М.: Эдиториал УРСС, 2002. – 280 с.; Юган Н.Л. Аксиология времени: лингвокультурологический аспект (на материале пословиц В. Даля). // Одеський лінгвістичний вісник, № 7, 2016. – С. 197-202; Любина И.М. Аксиология концепта «возраст» в русской, британской и американской лингвокультурах: Дисс ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2006. – 206 с.; Багаутдинова Г.А. Человек во фразеологии: антропоцентрический и аксиологический аспекты: Автореф. дисс ... докт. филол. наук. – Казань, 2007. – 46 с.; Бочина Т.Г. Контраст как лингвокогнитивный принцип русской пословицы: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Казань, 2003. – 50 с.; Федяева Н.Д. Языковой образ среднего человека в аспекте когнитивных категорий градуальности, дуальности, оценки, нормы (на лексическом и текстовом материале современного русского языка): Дисс. ... канд. филол. наук. – Омск, 2003. – 171 с.; Бредис М.А. Представления о денежных

Хусусан, “Тилшунослик ва аксиология: қадриятларнинг этносемиометрияси” жамоавий монографиясининг нашр этилишини лингвистик аксиологиянинг пайдо бўлиши ва шаклланишига қўшилган энг катта ҳисса сифатида эътироф этиш мумкин³, унда аксиологик таҳлилнинг этносемиометрик усули асосланган.

Н.Д. Арутюнова ҳаёт ва тил механизмларида воқеланадиган баҳолашнинг табиатини ўрганади⁴. А.А. Ивин баҳолаш ва меъёрнинг структур хусусиятларини аниқлайди⁵. В.И. Карасик лисоний шахснинг қадриятга хос, идрокий ва ахлоқий аспектларини алоҳида ўрганади⁶. Е.М. Вольф тилда баҳолашнинг ифода усулларини аниқлайди⁷. Лингвистик аксиология бўйича амалга оширилган монографик тадқиқотлар асосан бадиий асарлар ва сиёсий дискурснинг аксиологик мазмуни муаммоларига бағишланган⁸.

Ўзбек тилшунослигида шахсий ва умуминсоний қадриятлар муаммосини ўрганиш асосан ижтимоий ва фалсафий фанлар соҳасида олиб борилмоқда. Масалан, К.Н. Назаров қадриятлар тизимини барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси орқали изоҳлайди, яъни аксиологик муаммоларнинг ижтимоий-фалсафий аспекти кўриб чиқади.⁹ Р.Х. Рўзиева жамиятнинг маънавий янгилинишида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигини шакллантириш масалаларини тадқиқ қилади¹⁰. Бундан ташқари, Р. Ҳадятуллаев, Р. Қўнғуров, А. Ғуломов, А. Хожиев, А. Нурмонов, Г.С. Қамбаров, Б.М. Жўраева, Х.Я. Ходжиева, Э. Ибрагимова ва

отношениях в пословицах (на материале русского, латышского, литовского, немецкого и английского языков): Дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 2017. – 346 с.; Найдыш В.М. Ценности познания и гуманизация науки. – М.: Изд-во Российского университета дружбы народов, 1992. – 238 с.; Арипова З.С. Шахс ахлоқий фазилатлари такомилда миллий маънавият ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги: Фалс. фанл. номз. ...дисс. – Тошкент, 2012. – 146 с.; Берсенева А.А. Ценностные установки общественного деятеля (на материале блога Евгения Ройзмана «Сила в правде»). // Аксиологические аспекты современных лингвистических исследований: Тез. докл. науч. семинара с междунар. участием. – Екатеринбург: Ажур, 2016. – С. 8-10; Жўраева Б.М. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маънавий-услубий қўлланилиши: Филол. фанл. номз. ...дисс. – Бухоро, 2002. – 137 б.; Назаров Қ.Н. Қадриятлар тизими: Барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси (аксиологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари): Фалс. фанл. докт. ...дисс. – Тошкент, 1996. – 131 б.; Рўзиева Р.Х. Жамиятнинг маънавий янгилинишида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш масалалари: Фалс. фанл. докт. ...дисс. – Тошкент, 2012. – 304 б.

³ Лингвистика и аксиология: этносемиометрия ценностных смыслов: коллективная монография. – М.: ТЕЗАУРУС, 2011. – 352 с.

⁴ Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека – М.: Языки русской культуры, 1999. – 896 с.

⁵ Ивин А.А. Аксиология. – М.: Высшая школа, 2006. – 390 с.

⁶ Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. – 476 с.

⁷ Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. – М.: Эдиториал УРСС, 2002. – 280 с.

⁸ Абдуллина Д.А. Художественная аксиология в автобиографической трилогии Л.Н. Толстого: Дисс. ...канд. филол. наук. – Магнитогорск, 2005. – 2008 с.; Санаева И.В. Аксиологический аспект языковой картины мира в романе Л.Н. Толстого «Война и Мир»: дихотомия «добро-зло»: Дисс. ... канд. филол. наук – Калининград, 2007. – 188 с.; Богач Д.А. Аксиология природы в мировоззренческом и творческом опыте Ф.М. Достоевского: Дисс. канд. филол. наук. – Челябинск, 2017. – 215 с.; Синегубова К.В. Художественная аксиология Елены Гуро: Дисс. ... канд. филол. наук. – Кемерово, 2012. – 184 с.; Марьянчик В.А. Аксиологическая структура медиа-политического текста: лингвостилистический аспект: Дисс. ... докт. филол. наук. – Архангельск, 2013. – 382 с.; и др.

⁹ Назаров Қ.Н. Қадриятлар тизими: Барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси (аксиологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари): Фалс. фанл. докт. ...дисс. – Тошкент, 1996. – 131 б.

¹⁰ Рўзиева Р.Х. Жамиятнинг маънавий янгилинишида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш масалалари: Фалс. фанл. докт. ...дисс. – Тошкент, 2012. – 304 б.

б.ларнинг субъектив баҳонинг семантик ва стилистик хусусиятлари¹¹; лингвистик баҳонинг ўзбек тилида ифодаланиш усуллари¹²; ҳурмат семантик майдонининг лисоний-нутқий хусусиятлар¹³; мақолларнинг лисоний мақоми, уларнинг маъновий-услубий қўлланилиши ҳамда қадрият сифатидаги аҳамияти¹⁴; индивиднинг атроф оламга ижобий ва салбий муносабатини тақозо қилувчи субъектив ва объектив омиллар¹⁵ каби масалаларга бағишланган филологик характердаги ишларини алоҳида таъкидлаш зарур Шунингдек, филологик характердаги. Бироқ, маҳаллий ва хорижий олимларнинг бир қатор тадқиқотлари мавжуд бўлишига қарамай, турли тизимга мансуб тиллардаги антропоцентрик мақолларда қадриятлар ва аксилқадриятлар тизими масаласи етарлича ўрганилмаганлигини таъкидлаш лозим.

Шу тариқа, тилнинг, хусусан, антропоцентрик мақолларнинг аксиологик хусусиятлари муаммоси монолингвал, билингвал ҳамда полилингвал нуқтаи назардан кам ўрганилган бўлиб, у ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тадқиқ қилинишни тақозо қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Тилшуносликнинг янги йўналишлари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади антропоцентрик мақоллар аксиологик талқинининг назарий ва амалий асосларини ҳамда улардаги антропоморф коднинг намоён бўлиш хусусиятларини илмий далиллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Қўйилган мақсад билан боғлиқ равишда қуйидаги вазифалар белгиланди:

тилшуносликда антропоцентризмнинг онтологик моҳияти ва антропоцентрик ёндашувни қўллаш асосларини таҳлил қилиш;

антропоцентрик мақолларни аксиологик талқин объекти сифатида асослаш;

қадриятларнинг турлари ва кўринишларини ажратишдаги мавжуд ёндашувларни ўрганиш;

¹¹ Ҳадятуллаев Р. Ўзбек тилида субъектив баҳо формаларининг маънолари ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – № 2. – Б. 62-64; Ғуломов А., Ҳожиёв А. Модал ёки субъектив баҳо формалари ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – № 1. – Б. 3-6; Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. – 168 б.; Нурмонов А. Танланган асарлар. Уч жилдлик. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 1-жилд. – 345 б.

¹² Қамбаров Ғ.С. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фанл. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – б.

¹³ Ҳожиёва Ҳ.Я. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний нутқий хусусиятлари: Филол. фанл. номз. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2001. – 22 с.

¹⁴ Жўраева Б.М. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши: Филол. фанл. номз. ...дисс. – Бухоро, 2002. – 137 б.

¹⁵ Ибрагимова Э. Лингвистик баҳо – аксиологик тадқиқот объекти сифатида. // ФарДУ хабарлари. – Фарғона, 2011. – № 3. – Б. ; Ибрагимова Э. Ўзбек тили лексикасининг аксиологик тадқиқи: Ўқув-услубий қўлланма. – Фарғона, 2018. – 84 б.

илмий қўлланиш доирасига *аксиологик мақол диадаси* тушунчаси ва терминини киритишни назарий асослаш;

ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда инсон образини баҳолашнинг биполярлигини таҳлил қилиш ва тавсифлаш;

ўрганилаётган тиллардаги антропоцентрик мақолларда антропоморф маданий кодни акс эттириш хусусиятларини очиб бериш;

ўзбек ва рус тилларидаги аксиологик мақоллар диадаларида қадриятлар тизимининг даражаларини ишлаб чиқиш ва тавсифлаш;

таҳлил қилинаётган тиллардаги антропоцентрик мақолларда шахс аксиологик характеристикасининг асоси сифатидаги қадриятларни аниқлаш ва тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақоллар танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларнинг аксиологик хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Мақсадга эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги методлардан фойдаланилган: лингвистик тавсифлаш методи (антропоцентрик мақолларни таҳлил қилиш ва уларни аксиологик тадқиқотларнинг объекти сифатида тавсифлашда), аксиологик таҳлил методи (ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларнинг аксиологик хусусиятларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва тавсифлашда), семантик метод (ўзбек ва рус тиллари антропоцентрик мақолларидаги антропоморф маданий код маркерларининг семантик хусусиятларини таҳлил қилиш ва аниқлашда), лингвомаданий таҳлил методи (ўрганилаётган мақоллардаги шахснинг аксиологик хусусиятлари миллий-маданий шартланганлигини аниқлашда), компонент таҳлил методи (антропоцентрик мақолларда шахснинг образини баҳолашнинг биполярлигини аниқлашда), контекстуал метод (ўзбек ва рус антропоцентрик мақолларида баҳолашнинг нисбийлигини аниқлаш ва таҳлил қилишда), оппозиция методи (одатий қадриятлар ва аксилқадриятлар акс этган аксиологик мақоллар диадалари таркибини аниқлашда).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсонга берилган баҳонинг ижобийлик/салбийлик кўрсаткичи бўлиб хизмат қиладиган ва адресатга очик/яширин тарзда маълум ахлоқий, фикрлаш ёки *яхши/ёмон* баҳолаш категориялари доирасида нимагадир/кимгадир муносабат моделини белгилаб берадиган ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларнинг баҳолаш маркерлари аниқланган;

ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда шахснинг фазилатлари ва унинг турмуш тарзига кўра инсонни баҳолаш турлари таснифи амалга оширилган, хусусан, баҳолашнинг ахлоқий, эстетик, интеллектуал, прагматик, валеологик, ҳиссий, меъёрий каби турлари ажратиб кўрсатилган, улардаги баҳолашнинг биполярлиги (икки томонлилиги) очиб берилди;

таҳлил қилинаётган тиллардаги антропоцентрик мақолларда киши исм (ном)лари унинг характеристикасини ташқи (жисмоний) ва ички (ахлоқий ва маънавий) фазилатлари, касб-кори, ижтимоий ва оилавий аҳволи, жинси, ёши,

қариндошлик муносабатлари ва бошқа мезонлар бўйича тузилиши, бу эса қадриятлар ва аксилқадриятлар тизими призмаси орқали аксиологик талқин қилиниши исботланган.

ҳар бир этносга хос бўлган барқарор қадриятлар жамият, тарих, маданият, адабиёт ва санъат томонидан сингдирилган маданий матнлар, шу жумладан, антропоцентрик мақоллар орқали танилиши баробарида инсонларнинг ўзига хос бўлган шахсий қадриятлар тизимини яратиши далилланган;

ўрганилаётган тилларнинг антропоцентрик мақолларидаги кишиларни турдош отлар билан номлашнинг аксиологик функцияси – ҳар хил мажозий баҳолаш маъноларининг ифодаланиши ва инсоннинг физиологик хусусиятлари: гўзаллик, соғлиқ ва тананинг ҳолати, танадаги нуқсонлар, ёши, жинси; миллати; қариндошлик ва эр-хотинлик муносабатлари; фаолият тури; мансаб; мавқе; ишининг бор/йўқлиги, бандлик/бечорчилик; молиявий аҳвол; қизиқишлар; характер, фазилатлар ва шу қабиларни баҳолашдан иборатлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

антропоцентрик мақолларнинг аксиологик талқини модели ишлаб чиқилган;

илмий қўлланиш доирасига *аксиологик мақол диадаси* тушунчаси ва терминини киритиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда шахсни баҳолаш мезонлари аниқланган, унинг турлари таснифланган;

ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда инсон аксиологик характеристикасининг асоси бўлиб хизмат қиладиган қадриятлар аниқланган ва тавсифланган;

ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда антропоморф маданий коднинг акс этиш хусусиятлари аниқланган ва таҳлил қилинган;

ўрганилаётган тилларнинг аксиологик мақоллари диадасида баҳолаш тизимининг даражалари ишлаб чиқилган ва тавсифланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг илмий базаси, методология ва методикаси, қўйилган масалаларнинг долзарблиги, ҳал қилинаётган вазифаларнинг аниқлиги, шунингдек, амалга оширилган тадқиқот натижаларининг диссертация назарий асосларига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация натижалари, хусусан, анъанавий қадриятлар ва аксилқадриятларга оид аксиологик мақолларда акс эттирилган қадриятлар тизимлари даражалари назарияси, шунингдек, ўзбек ва рус тилларининг антропоцентрик мақолларидаги шахс қиёфасини аксиологик талқин қилиш модели лингвистик аксиология ривожига муайян даражада ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, хулосалар ва илмий-тадқиқот материалларидан университетларнинг ўқув жараёнида тилшунослик ва қиёсий типология, лингвистик аксиология, социологингвистика, психолингвистика, лингвокультурология фанлари

бўйича маъруза ва семинарлар, махсус курсларни ишлаб чиқиш ва ўтказишда, диссертациялар, монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш, махсус луғатларни тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг назарий таклифлари, амалий тавсиялари ва хулосалари қуйидагиларга татбиқ этилган:

Ўзбек ва рус халқлари стереотиплари, уларда дунёнинг аксиологик лисоний манзараси акс этиши, кадриятлар тизимининг шахс ахлоқи модели, ижобий ва салбий баҳолаш кўрсаткичлари, инсоний фазилатлар ва турмуш тарзига таъсири хусусидаги диссертация материаллари ва хулосаларидан ОТ-Ф8-062-сонли «Тил ривожланишининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 19-03-5176-сонли маълумотномаси). Натижада тил ривожланишининг деривацион қонуниятларини аниқлашнинг миллий стереотипларини белгилаш ва деривацион қолипларини ишлаб чиқиш имконияти юзага келган;

диссертацияда таҳлилга тортилган ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда одамнинг ижобий ёки салбий баҳо кўрсаткичи бўлиб хизмат қиладиган ва адресатга хос ҳаракатлар, фикрлаш ёки баҳолаш категориялари доирасидаги маъно маркерлари; антропоцентрик мақолларда инсонни фазилатлари ва фаолият образининг мезонига кўра баҳолаш, хусусан, маънонинг икки томонлилиги хусусиятига эга бўлган ахлоқий, эстетик, интеллектуал, прагматик, валеологик, ҳиссий, норматив баҳолаш турларига ажратилган терминлардан “ОТ-А1-018. Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 19-03-5176 -сон маълумотномаси). Натижада ўзлашма сўзлардан ўринли фойдаланиш, зарур ўринларда ўзбекча муқобилларини яратишга ёрдам берган. Шунингдек, соҳага оид ўзбекча терминлар сон ва сифат жиҳатдан маълум даражада янгиланган;

тадқиқотнинг илмий тушунчаларидан Ф1-ФА.2012-1-8-сонли “100-жилдлик Ўзбек халқ санъати ёдгорликларини нашрга тайёрлаш ва матнларни ўрганиш муаммолари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада ўзбек халқ мақолларини алифбо тартибида тўпланган нашрнинг учинчи жилдига муқаддима ва эслатмаларни ёзишда фойдаланилган (ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 19-03-5176-сон маълумотномаси). Натижада луғатга ёзилган муқаддима ва эслатма илмий жиҳатдан бойиган ҳамда мақоллар изоҳининг мукаммаллашувига эришилган;

антропоцентрик мақолларнинг миллий-маданий стереотипи, дунёнинг аксиологик манзараси, маданий кадриятлар, инсонни баҳолаш ва кадриятларни таснифлаш мезонлари маънавий-ахлоқий ва ижтимоий тизимга кўра шартланганлиги ҳақидаги диссертациянинг назарий хулосалари ва натижаларидан А-1-197 “Инглиз, рус, корейс ва немис тилларини ўрганишда ўқув-услубий модулларни (ЎММ) қўллаш ва такомиллаштиришнинг назарий

ва амалий асослари” мавзусидаги амалий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 19-03-5176-сон маълумотномаси). Натижада ўқув-услубий модулларни қўллаш учун яратилган ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар, уларнинг аудиокитоб шаклидаги нусхаларида қўлланган мақолларнинг изохини мукаммаллашувига эришилган;

диссертацияда тақдим этилган ўзбек ва рус тилларининг антропоцентрик мақоллари қадриятлар, маданият, урф-одатлар, тарих, турмуш тарзи, инсоний фазилатлар, таълим, икки халқнинг дунёқараши ва алоҳида шахсларнинг ҳаёт тарзи сифатида баҳолаш шкаласининг жамиятда ўрнатилган меъёрларига мувофиқ инсон фаолиятини баҳолашни олдиндан белгилаб бериш борасидаги хулосаларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фаолиятида ижодкорлар маҳоратини ошириш, ёш истеъдодларни тарбиялаш, турли тўғарак, семинар ва маҳорат дарслари ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2019 йил 25 декабрдаги 01-03-07 / 1551-сон маълумотномаси). Натижада жаҳон адабиёти дурдоналарини таржима қилишда таржима қилинаётган адабиёт мансуб бўлган халқнинг миллий хусусиятларини ёритиш муаммоларни ҳал этишга ва таржималарнинг бадиий мукаммаллашувига эришилган;

тадқиқотнинг инсонлар онгида дунёнинг аксиологик манзараси ва дунёқарашини антропоцентрик мақоллар ёрдамида аниқлашга оид илмий, амалий ва услубий ғояларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Бедорлик”, “Таълим ва тараққиёт” каби махсус дастурлари сценарийларини тайёрлашда ишлатилган. (2019 йил 16-23 ноябрь кунлари эфирга узатилган) (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон-24” телеканалининг 2019 йил 24 декабрдаги 04-25-2708-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатувлар маънавий-маърифий ҳамда миллий ўзига хослиги жиҳатдан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та, жумладан, 6 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида, шунингдек, кафедранинг илмий семинарларида, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий кенгашида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 268 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига

боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Антропоцентрик тил бирликларини аксиологик аспектда ўрганишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида тилшуносликда антропоцентризмнинг онтологик моҳияти очиб берилган, антропоцентризм ва дунёнинг аксиологик манзарасининг боғлиқлиги ўрганилган.

Антропоцентризм шахснинг тилда ва тилнинг шахсда намоён бўлиши ҳақидаги таълимот сифатида тилда инсон омилининг намоён бўлиши; инсоннинг хулқ-атвори ва фикрлашига тилнинг таъсири; тил ва жамиятнинг ўзаро алоқаси; халқларнинг тили ва маънавий маданиятининг ўзаро муносабати; халқ менталитети ва халқ санъатининг ўзаро боғлиқлиги кабиларни ўрганиш билан шуғулланувчи антропоцентрик тилшуносликка оид ҳисобланади.¹⁶

Замонавий антропоцентрик тилшуносликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бунда тил эгасининг фундаментал тушунчалари ва оламнинг лисоний манзараси призмаси орқали лингвистик фактлар ва ҳодисалар таҳлил қилинади. Инсон дунёни ва ўзини умуминсоний ва миллий ижтимоий-тарихий тажрибага асосланган тил ёрдамида тушунишга қодирдир. Оламнинг лисоний манзараси инсониятнинг ижтимоий хотираси ва тажрибасини ўзида акс эттиради.

Илмий билимлар билан бир қаторда оламнинг лисоний манзараси дунёқарашлар тизимини, одамларнинг бой ижтимоий ва кундалик тажрибасини ўз ичига олади, улар дунёқарашни ва жамиятдаги инсоннинг хулқ-атвор хусусиятларини белгилайди. Оламнинг лисоний манзараси жуда кўп турли хил концептлардан иборат бўлиб, унинг асосийларидан бири инсоннинг ўзидир, у олам ҳақидаги барча билимларни тил воситасида сақлайди, қайта ишлайди ва авлоддан авлодга етказди.

Шу тариқа, инсон оламнинг лисоний манзарасида марказий ўринни эгаллайди. Ижтимоий хотира ва инсоният тажрибаси оламнинг лисоний манзарасида акс этиши, унда инсоннинг тил воситасида ўзини индивид сифатида моделлаштириши инсон онгида ўзгариш ясаши орқали юз беради. Бу эса, ўз навбатида, тилшуносликда антропоцентризмнинг онтологик моҳиятини белгилайди.

Антропоцентризм тадқиқотларнинг барча объектларида инсоннинг мавжудлиги билан характерланар экан, инсон онги, дунёқараш шаклланишида жамиятда ўзини ўзи бошқаришнинг мослашувчан механизми ва мазкур механизмнинг инсон хатти-ҳаракатларида ва коммуникатив

¹⁶ Бочина Т.Г. Контраст как лингвокогнитивный принцип русской пословицы: Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Казань, 2003. – С. 6.

ахлоқида акс этиши муаммоларини четлаб ўтиши мумкин эмас. Шахс ва умуман жамиятнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи бундай воситалардан бири инсон фаолиятининг ҳар қандай турида инсонпарварлик, яратувчанлик асосларини таъминлаш учун хизмат қиладиган маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-маданий қадриятлар тизимидир. Шахс онгидаги маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-маданий қадриятлар тизими инсоннинг хулқ-атвор моделини танлашини олдиндан белгилаб берадиган ижтимоий-маданий муносабат вазифасини бажаради.

Қадрият – бу шахс (жамият) томонидан предмет ва ҳодисалардан иборат борликни унинг муқаррарлик ва муҳимлик призмаси орқали ахлоқий англаш натижасида юзага келган фундаментал меъёрлар ва инсониятнинг ютуқларини ифодаловчи фалсафий категория ҳисобланади. Инсониятнинг қадриятлар кўринишидаги асосий меъёрлари ва ютуқлари мавжудликнинг қурилиш асоси ҳисобланади, у шахсга ўзи яшаётган жамият билан бирлашишига ёрдам беради. Бундай меъёрлар инсоннинг жамиятдаги хатти-ҳаракатларини тартибга солади, уни жамият томонидан белгиланган доирада ҳаракат қилишга, ижтимоий қабул қилинган ҳаракатларни бажаришга ундайди. Юқорида айтилганлар инсоннинг нутқий хатти-ҳаракатларига ҳам тўлиқ тегишли. Шунга кўра, инсониятнинг фундаментал меъёрлари ва ютуқлари шахс ва жамиятнинг лисоний онгига сингдирилган бўлади.

Ҳар бир тил шу тилда сўзлашувчининг дунёқарашини шакллантирадиган миллий, ўзига хос хусусиятлар тизимини ўз ичига қамраб олади, булар эса, бизнинг фикримизча, шахс томонидан умуминсоний, универсал қадриятларнинг ўзига хос талқини натижасида йиғилади.

Қадриятлар маълум бир миллат онгининг яхлитлигини, шунингдек, алоҳида шахсларнинг муносабатини ҳам акс эттириши мумкин. Шундай қилиб, агар рус миллий онги ва дунёқарашининг ўзига хос хусусиятлари сифатида виждон, шаън, кадр-қиммат, адолат, инсонпарварлик, ҳақиқат, ирода, раҳм-шафқат кабиларни санаш мумкин бўлса, жамоат арбоби Екатеринбург мэри Евгений Ройзмanning шахсий блоги муаллифи А.А. Берсеневанинг фикрича, мэр учун асосий қадриятлар бўлиб ҳақиқат, ижтимоий адолат, муҳтожларга ёрдам бериш зарурати, одамлар фаровонлиги ҳисобланади¹⁷. Шу тариқа, қадриятлар тизими шахс фаолиятининг барча соҳаларида унинг ахлоқий мезонларини белгилаб беради.

Асосий қадриятлардан бири бу инсон ва унинг ҳаётидир. Бироқ, ҳаёт инсон учун энг қадрли ҳисобланишига қарамай, у олий қадриятлар сирасига киритилмаган. Олий қадриятларга инсон ва жамиятнинг маънавий дунёси, масалан, маънавият билан боғлиқ қадриятлар киради. Маънавият бу шахсга ҳам, умуман жамиятга, халққа хос бўлган маънавий ва ахлоқий фазилатдир.

Маълум бир халқнинг маънавияти деганда табиий муҳит таъсири ва буюк аждодларнинг таълимотини ёдда тутган ҳолда тарихий воқеаларидан зарурий хулоса чиқариш, ўз она тилиси орқали дунёни англаш даражаси

¹⁷ Берсенева А.А. Ценностные установки общественного деятеля (на материале блога Евгения Ройзмана «Сила в правде»). // Аксиологические аспекты современных лингвистических исследований: Тез. докл. науч. семинара с междунар. участием. – Екатеринбург: Ажур, 2016. – С. 8-9.

тушунилади. Бир миллатнинг асосий белгиси – бу дунёни ўзига хос идрок этиш, тил имконияти чегарасида ўз тарихий тажрибасига таянишдир. Маънавий ҳар қандай давлат ёки миллат кучининг кўрсаткичидир.

Шахс учун муҳим бўлган қадриятлар мумкин бўлган альтернатив вариантларини баҳолаб, унинг хатти-ҳаракатлар моделини танлашни олдиндан белгилаб беради, бошқача қилиб айтганда, улар шахснинг қадриятли ахлоқида самарали мотив ҳисобланади. Ижтимоий ва умумбашарий қадриятлардан шакллантирилган шахсий қадриятлар, бир томондан, шахснинг ижтимоийлашув даражасини, иккинчи томондан, ахлоқий устуворликларнинг ривожланиш даражасини кўрсатади, бу эса *танлаш, баҳолаш ва ҳаракат қилиш* муаммолари билан боғлиқ бўлган муайян вазиятда унинг қадриятли хатти-ҳаракатларини олдиндан билиш имконини беради.

Аксиология бўйича илмий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қадриятлар ахлоқий, ҳуқуқий, илмий, тарихий, ижтимоий, фалсафий ва ҳоказоларга бўлинади. Қадриятлар табиий ва орттирилган, маданий бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда когнитив, утилитар, ахлоқий, эстетик ва бошқа қадриятлар ҳақида гапириш мумкин. Қадриятларнинг барча турлари ўзаро боғлиқликда *эркинлик, ҳақиқат, гўзаллик, адолат, яхшилик, фойда* каби азалий (“абადий”) қадриятларни ўз ичига оловчи асосий қадриятларга асосланган маълум бир қадриятлар иерархиясини ҳосил қилади.

Таъкидлаш зарурки, энг кенг тарқалган ва тез-тез мурожаат қилинадиган қадриятлар инсоннинг биологик ва ижтимоий табиатига, инсон табиатининг йўналтирилганлик хусусиятига (маънавий, ижтимоий, моддий), ижобий ёки салбий баҳога (ижобий ва салбий қадриятлар), функционал мазмунига (терминал ва инструментал қадриятлар), шахсий камолотга йўналтирилганлигига (прогрессив ва регрессив қадриятлар) кўра ва бошқалар ажратилади.

Инсониятнинг мавжудлик маконига кўра ҳам қадриятлар фарқланади (ҳақиқат, эстетика, этика (ахлоқ), геодонистик ёки прагматик соҳаларда), шунингдек, моддий, мантикий, эстетик, ахлоқий қадриятлар, мавжудлик қадриятлари, истёъмол қадриятлари ҳам аниқланган. Ҳозирги вақтда уларнинг қайси турга мансублигидан ва қандай экзистенциал ва сифат хусусиятларига эга бўлишидан қатъи назар, қадриятлар классик трихотомия билан фарқланади: ижобий, нейтрал ёки салбий баҳолаш.

Қадриятларни ижобий ва салбий каби турларга бўлиш Д.Юм таълимотининг асосини ташкил қилади, у бир қадриятнинг турли вазиятларда турлича аҳамият касб этишини, яъни бир қадрият ҳам ижобий, ҳам салбий бўла олишини асослайди.¹⁸ Д. Юмнинг фикрича, “инсон асосан фаолият учун туғилган ва ўз ҳаракатларида диди ва ҳисси билан бошқарилади, у ўз қадриятларидан келиб чиққан ҳолда бир нарсага интилади ва бошқа нарсадан қочади”.¹⁹ Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай моддий

¹⁸ Юм Д. Исследование о человеческом разумении. – М.: Прогресс, 1995. – С. 54.

¹⁹ Шу асар. – Б. 10.

ёки маънавий объект шахс онгида маълум бир қадрият сифатида ижобий ёки салбий баҳоланади, бу эса инсон у ёки бу ҳаракатни танлаганида унга ҳақиқий “дид ва туйғу” намоён бўлади. Бир қадрият вазиятга қараб ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин, бу эса қадриятнинг нисбийлигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган мавжуд қадриятлар таснифларини қуйидаги жадвалда умумлаштириш мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Қадриятлар таснифи



Юқорида келтирилган қадрият турларининг номларидан кўриниб турибдики, аксиология кўп компонентли фан бўлиб, унинг ичида алоҳида таркибий қисмлар ажралиб туради. Ушбу ўзига хос таркибий қисмлардан бири лингвистик қадриятлардир: “Тил воситаси орқали нутқ субъекти ўз қадриятлари дунёсида ўзини йўналтиради ва шундан келиб чиққан ҳолда бошқа фанларни ҳам йўналтиради, уларнинг кейинги ҳолатлари ва

ҳаракатларига уларни бошқарувчи таъсир кўрсатади”²⁰. Тил бирликларининг баҳоланиши бўйича таҳлил аксиология фанида лингвистик аксиология йўналишининг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди.

Лингвистик аксиологиянинг ўрганиш объекти бу инсоннинг тилда акс эттирилган қадрият дунёси – инсоннинг ҳаётий тажрибалари, маънавий ва моддий кўринишдаги ўз эҳтиёжларини қондира олиши бўйича орттирилган билим, кўникма ва малакалари билан белгиланадиган инсон ва жамиятнинг қадриятлари асосида тузилган оламнинг аксиологик лисоний манзарасидир. Инсон доимий равишда ўзини жамиятда эталон сифатида қабул қилинган ва ўрнатилган қолиплар асосида баҳолайди.

Оламнинг аксиологик лисоний манзараси тилшунослик, хусусан, кўпроқ экстралингвистик характерга эга бўлган кўплаб факторлар таъсири остида шаклланади ва, умуман, у мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний, миллий-маданий ва бошқа турмуш тарзига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, дунёнинг аксиологик лисоний манзараси инсоннинг ҳаётий тажрибаси, унинг қадриятлари билан олдиндан белгиланади, унинг ижтимоий-коммуникатив фаолияти ва нутқий хатти-ҳаракатларини жамият томонидан тасдиқланган хатти-ҳаракатлар моделларига мувофиқ бўлишини таъминлайди, унга ўз ҳаётини лингвомаданий жамиятда қабул қилинган меъёрлар ва қоидалар доирасида шакллантиришга ёрдам беради. Шахс ҳар қандай фаолият турини унинг онгида шаклланган дунёнинг аксиологик манзараси ва ундаги қадрият йўналишлари призмаси орқали амалга оширади.

Диссертациянинг **“Антропоцентрик мақоллар тил аксиологик хусусиятларининг марказлашуви сифатида”** деб номланувчи иккинчи боби антропоцентрик мақоллар аксиологик талқиннинг объекти сифатида кўриб чиқилади, ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда инсон образининг биполярлиги масаласига бағишланган.

Индивид ёки жамият томонидан яратилган ҳар қандай матн, жумладан, мақол аксиологик бўёқдорликка эга муҳим қадрият сифатида намоён бўлади ва оламнинг лисоний манзарасида қадриятлар тизимини юзага чиқаришда бой манба бўлиб хизмат қилади. Антропоцентрик мақоллар оламнинг аксиологик лисоний манзарасида алоҳида ўринга эга, чунки улар инсон ва унинг сифатлари, предметларнинг хусусиятлари, атроф олам ҳодисалари юзасидан баҳоловчи ахборотни сақлайди, хулқ-атвор, хатти-ҳаракатларни белгилайди, уларнинг меъёрийлигини назорат қилади.

Антропоцентрик мақолларни ажратишнинг бош мезони шуки, мақол жинс, ёш, ижтимоий аҳвол, маълумот даражаси, интеллектуал ва жисмоний қобилиятлар, маънавий-ахлоқий ва ҳоказо нуқтаи назардан инсоннинг моҳияти ва унинг ички дунёси тўғрисидаги ахборотни сақлайди. Антропоцентрик мақолларнинг образли асоси турлича бўлиши мумкин. Шунга қарамасдан, мақолда муайян инсон номининг келтирилиши формал

²⁰ Лингвистика и аксиология: этносемиотрия ценностных смыслов: коллективная монография. – М.: ТЕЗАУРУС, 2011. – С. 17.

кўрсаткичдир. Масалан, ўзбек тилида: *Бахшининг қадрини халқ билар, халқнинг қадрини мард билар. Абдуҳаким овга чиқди, орқасидан говга чиқди. Бахмал билан банотнинг қўҳналиги бўлмас, ота билан онанинг қарилиги.* Рус тилида: *От мёртвого худа не бывает, а от живого добра. У бедного шуба овечья, а та же душа человечья. Кто бога не боится, тот и людей не стыдится.*

Антропоцентрик мақоллар инсон томонидан уни ўраб турган олам, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ўз призмаси орқали ўлчадини намоён этади. Шу муносабат билан уларни ўрганишда оламнинг лисоний манзараси, тилнинг инсон хулқи ва тафаккурига таъсири, тил ва жамиятнинг ўзаро муносабати, тил ва халқ маънавий маданиятининг ўзаро алоқадорлиги ва бошқа масалалар алоҳида долзарблик касб этади.

Таъкидлаш лозимки, антропоцентрик мақолларда жуда катта баҳолаш имконияти мавжуд бўлиб, уни очиб бериш турли лингвомаданий жамиятлар сифатида ўзбек ва рус халқларининг қадриятлар тизимини аниқлаш имконини беради. Нафақат ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларнинг, балки барча дунё тилларида мавжуд ҳикматларнинг баҳолаш имконияти шундаки, мақол ўзига хос паремиологик бирлик сифатида сўздан фарқли ўлароқ борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни номлаш билан бирга, энг аввало, ҳаётий вазиятларни номлаш вазифасини бажаради. Шунингдек, вазият номинацияси мазкур вазиятга нисбатан баҳо муносабатини ҳам, умумқабул қилинган меъёрларга мувофиқ ҳаракат қилишга доир аниқ йўл-йўриқларни ҳам ифодалайди. Демак, мақоллар барча паремиялар сингари “керак”, “лозим”, “яхши”, “ёмон” сингари категориялар орқали реаллашувчи қадриятли муносабатни ифодалаш учун тилда мавжуд бўлган ўзига хос номинатив бирликлардир. Халқ ҳикматлари инсонга, унинг танловига, қадриятларига, инсон ўзи учун меъёр деб билган нарсаларга тўлиқ боғлиқ бўлган тизимнинг бир қисмидир”²¹. Табиийки, инсоннинг ҳаётий вазиятларга ва объектив борлиққа нисбатан қадриятли муносабати жамият қадриятлари тизими таъсири остида яхлит ҳолда шаклланади.

Баҳо инсоннинг билиш фаолияти сифатида ўрганиш объекти хусусиятларини индивид ёки жамият (социум) онгида қайд қилинган намунадаги қолип билан таққослаш ёки таърифлаш орқали амалга оширилади. Баҳо асосида ҳамиша объектни эталон билан солиштириш ётади. Объект хусусиятларини эталон билан таққослаш инвариант оппозициялар сифатида намоён бўлувчи *яхши* ва *ёмон* баҳо категориялари воситасида амалга оширилади.


Яхши ва *ёмон* аксиологик категориялари *нейтрал* категорияси фонида ажратилади ва антропоцентрик мақолларда инсон хусусиятларини халқ миллий-этник маданияти қадриятлари тизими билан солиштириш учун хизмат қилади. *Яхши* ва *ёмон* категорияларида биполярлик (икки қутблилик)нинг мавжудлиги аксиологик шкалада ўз ифодасини топган бўлиб,

²¹Хайруллина Д.Д., Хузина Е.А. Этическая оценка в пословицах и поговорках (на материале английского, русского и татарского языков). // В мире научных открытий, № 5-3 (41), 2013. – С. 180.

“+” ишорасига эга бўлган тил бирликларининг баҳоси ижобийлиги ҳисобига жамият томонидан меъёр сифатида қабул қилинади, “–” ишорали баҳо бефарқ баҳосини ҳам ўз ичига олади (1-чизмага қаранг). Шундай қилиб, ижобий баҳо бутун жамият учун ҳам, алоҳида олинган шахс учун ҳам меъёр ҳисобланиб, салбий баҳо, жумладан, бефарқлик ҳам меъёрдан четлашишини англатади.

1-чизма

Аксиологик шкала. Унда меъёр ва бефарқликнинг ўрни



Биз А.В. Белобородованинг фикрини маъқуллаймиз. Унинг эътироф этишича, аниқ бўлинишлар бўлмагани сабабли баҳо асимметрияси ва оламнинг қадриятли манзараси ҳақидаги стереотибли тасаввурлар ҳамда баҳонинг антропоцентриклик ҳамда субъективлик сингари хусусиятлари ҳисобига баҳо шкаласи бўйлаб ҳаракатланиш қабила аксиологик шкалага хос. Баҳонинг ижобий ва салбий ишоралари социум (жамият)нинг олам манзараси билан белгиланади. Натижада “баҳо шкаласи компонентларнинг (ташқил этувчиларнинг) доимий ҳаракати ва ўрин алмашиши ҳисобига юзага келувчи дисбалансда бўлиб, бу ҳолат асимметрияга олиб келади: меъёр ва ўртача қиймат мос келмайди”²². Бундан келиб чиқадики, нейтраллик баҳоси “ўчади” ва меъёр, яъни ижобий баҳо билан мутаносиб бўлмаганлиги учун салбий каби қабул қилинади.

Шундай қилиб, *яхши/ёмон* категорияларининг аксиологик оппозицияси нутқда тавсифланувчи объектнинг ижобийлиги ёки салбийлигида реаллашади ва бу ҳолат ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларга хосдир.

Ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақоллар уларда инсоннинг тавсифланувчи объектнинг ижобийлиги/салбийлиги мезони бўйича баҳоси нуқтаи назаридан уч йирик гуруҳга таснифланиши мумкин:

1) **ижобий** баҳосни ифодаловчи антропоцентрик мақоллар. Масалан, ўзбек тилида: *Одам одамнинг дардини олар. Интилганга толе ер. Тўғри сўзлаган одам туғишганингдан афзал*; рус тилида: *Покуда жив человек, голодною смертью помирает не станет. Пока и мы человеки – счастье не*

²²Ўша ерда. – С. 268.

пропало. Русский человек хлеб-соль водит;

2) **салбий** баҳони ифодаловчи антропоцентрик мақоллар. Масалан, ўзбек тилида: *Бекорчидан безиб қоч, чақимчидан – кўчиб. Беқўнимга қўним йўқ, ёмон одамга – ўлим. Дили қоранинг қилмиши – қийиқлик*; рус тилида: *Плохая арба – дороге беда, плохой человек – семье горе. Грех сладок, человек падок. Человек сам себе убийца*;

3) ижобий ва салбий баҳоларни ифодаловчи **қарама-қарши** қўйилувчи антропоцентрик мақоллар. Масалан, ўзбек тилида: *Ёмон фарзанд ота-онани ерга қаратар, яхши фарзанд ота-онани элга оралатар. Ёмон – ўз ғамида, яхши – эл ғамида. Ёмоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг емони бўл*; рус тилида: *Старый друг лучше новых двух. Лучше быть мертвым героем, чем живым трусом. Лучше с умным в аду, чем с глупым в раю*.

Келтирилган таснифдан кўриб турганимиздек, ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақоллар ижобийлик/салбийлик белгисига кўра икки қутбли (биполяр)дир. Мақолда инсонга, унинг хулқ-атвори, ҳаракатларига нисбатан ижобий баҳо ҳам, салбий баҳо ҳам берилиши ёки ижобий баҳо салбий баҳога қарама-қаршилиги қўйилиши мумкин.

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам ижобий ва салбий баҳо ўзига хос маркерли лексемалар билан ифодаланувчи мақоллар кам эмас. Ўзбек тилида: *яхши, ёмон, зарур, ҳожат йўқ, фойда, зарар, фойдали, бефойда, афзал, гуноҳ, савоб, ҳалол, ҳаром* ва бошқ., рус тилида: *хорошо, плохо, лучше, хуже, можно, нельзя, надо, нужно, не надо, полезно, вредно, ладно, неладно* ва ҳоказо. Ушбу маркерлар мақолга янада қатъийлик, аниқроқ характер бағишлаб, ижобийлик ёки салбийлик баҳосининг яққолроқ ифодаланишига хизмат қилади. Такқослаймиз, ўзбек тилида: **яхши – ёмон**: *Яхши йигит юрт тузар, ёмон йигит юрт бузар. Яхши раҳбар элни ўйлар, ёмон раҳбар ҳовли бўйлар. Ёмон аталиб тирик юргунча, яхши аталиб ўлган яхши*; **зарур – ҳожат йўқ (эмас)/не ҳожат**: *Зарулга зарур, нозарулга не зарур. Ботирга яроқ ҳожат эмас. Хотининг яхши бўлса, тўйга бормоқ не ҳожат, хотининг ёмон бўлса, азага бормоқ не ҳожат*; **фойда – зарар**: *Ёлгон айтиб фойда кўрсанг, охири зарар топарсан. Рост айтиб зарар кўрсанг, охири фойда топарсан. Юзи юпқалик ризққа зарар. Фойдаси йўқ бойдан қоч, панаси йўқ сойдан қоч*; **фойдали – бефойда/фойдасиз**: *Ёмоннинг жанозасидан яхшининг ҳикояси фойдали. Яхши кишига бир сўз кифоя, ёмон кишига минг сўз бефойда. Бефойда сўзни айтма, фойдали сўздан қайтма*; **афзал – ёмон**: *Юз қўрқоқдан бир ботир афзал. Ақлсизга оға бўлгандан, ақлнинг оловини ёққан афзал. Турқи бузуқдан хулқи бузуқ ёмон*; **савоб – гуноҳ**: *Гуноҳи – меники, савоби – сизники. Садақасига қараб – савоби, сўзига қараб – жавоби. Гўзал кўриш – кўзга савоб; ҳалол – ҳаром*: *Косибнинг қўлидан деҳқоннинг оёғи ҳалол. Қўй қассоб қўлида ҳалол. Ҳаром қўл аралашса, ҳалол қўлдан қут кетар* ва ҳоказо.

В русском языке: **хорошо – плохо**: *У хорошего хозяина и работники хорошие. Промеж худых и хорошему плохо. За плохим пойдешь, плохое и найдешь*; **лучше – хуже**: *Лучше глаза лишиться, чем доброго имени. Маленький чиновник хуже лихорадки. Раздружится друг – хуже недруга*; **можно – нельзя**: *Горе – деньги нажить, а с деньгами и дураку можно жить*.

*Если народу служить, и на полюсе можно прожить. Без солнышка нельзя пробыть, без милого нельзя прожить; **надо (нужно) – не надо**: В гости ходить – надо и к себе водить. Дураков стадо – пастуха надо. Живи с разумом, так и лекарей не надо; **полезно – вредно**: Все полезно, что в рот полезло. Судьям то и полезно, что в карман полезло. Молодому лгать вредно, старому – непотребно; **ладно – неладно**: Ладно, коли все сам умеешь; неладно, коли все сам делаешь. Ладно слушать скомороха на гусельках, а сам играть станешь – ан не по нас. Ладно баюкаешь, да сон не берет ва хоказо.*

Мазкур антропоцентрик мақолларда баҳо маъносининг юқорида баён этилган маркерлари инсоннинг ижобий ёки салбий баҳо кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади ва адресатга муайян хулқ, тафаккур моделини ёки баҳоланувчи нарсга нисбатан розилик ёки рад этиш призмаси орқали тарбиявийлик хусусиятини белгилаб берувчи *яхши* ёки *ёмон* баҳо категориялари доирасида кимгадир ёки нимагадир муносабатни вужудга келтиради.

Яхши ёки *ёмон* баҳо категориялари ўзаро оппозицияни ҳосил қилиб, инсон баҳосининг этик, эстетик, ақлий-интеллектуал, прагматик, валеологик, эмоционал, норматив турлари сифатида намоён бўлувчи ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларни ижобийлик/салбийлик белгисига кўра икки қутбли (биполяр) гуруҳларга ажратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Кўринадикки, ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда асосан инсон ва унинг ҳаётий фаолиятидаги муҳим қадрият саналувчи жиҳатлар ижобий ва салбий баҳоларга эга бўлади. Бундан келиб чиқадики, ижобийлик ёки салбийлик белгисига кўра антропоцентрик мақолларда баҳоланиш предмети сифатида инсоннинг қандай хусусиятлари, қирралари, хулқ-атвори ҳамда яхлит ҳолда инсон ҳаёти ва фаолиятининг қайси аспекти олинганлигидан келиб чиқиб, лингвомаданий умумийликнинг фақат мазкур этнос учун ҳам умумий, ҳам хусусий бўла олиши мумкин бўлган қадриятларини аниқлаш мумкин.

Диссертациянинг “**Ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақоллар ҳамда антропоморф маданий код**” деб номланувчи учинчи бобида антропоцентрик мақоллар ҳамда антропоморф коднинг умумийлиги аниқланади, кўриб чиқиладиган антропоцентрик мақолларда антропоморф маданий код ифодаланишининг ўзига хосликлари таҳлил қилинади.

Ўзбек ва рус тилларидаги антропоморф мақолларда инсонни номлаш усулларида бири шахс отларининг қўлланилишидир. Қайд қилиш жоизки, шахс отларининг инсон номинацияси усули сифатида қўлланилиши кўпроқ рус тилидаги мақолларга хос. Уларда тўлик/тўлиқсиз, ясама/қисқартирилган, кичрайтириш-эркалаш шакллари кўп учрайди.

Ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда берилган шахс отларининг катта қисми инсоннинг диний-мифологик номинациясини намоён этади. Масалан, ўзбек тилида: *Алихўжа, Хўжаали, Абдукарим, Исо, Мусо, Сулаймон, Хизир, Азроил, Ҳасан, Ҳотам, Фозил, Шониёз*; рус тилида: *Абрам, Абрисим, Аввакум/Аввакум, Авдей, Авель, Аверкий, Аверьян, Авессалом,*

Авирон, Ависана, Авксентей, Авраам/Аврам, Агабит, Агара, Агафон/Агафонник ва бошқалар.

Ўзида инсоннинг диний-мифологик номинациясини ифодаловчи исмлар ўзбек тилида асосан араб ва форс тилларидан, рус тилида эса юнон ва латин тилларидан ўзлаштирилган. Бу ҳолат Ўрта Осиё ҳудудида мусулмонлик эътиқодининг, Россия ҳудудида эса христиан динининг кенг тарқалгани билан изоҳланади. Рус тилида кўплаб отларнинг фонетик-грамматик ўзлаштирилиши жараёнида бир қанча вариантлар ҳосил бўлган. Мазкур ҳолат биз томондан тадқиқ қилинган мақолларда қайд қилинган: *Абакум – Аввакум; Абрам – Аврам, Авраам, Авраамий; Абросим – Амвросий, Абрасим; Аверьян – Аверкий; Авксентий – Аксентий, Аксен* ва бошқалар. Бироқ диний-мифологик исмлар билан бир қаторда оддий инсонлар томонидан қўлланилувчи халқ исмлари ҳам учрайди. Масалан, ўзбек тилида: *Аёз, Қўчқор*; рус тилида: *Аника, Антип, Глеб, Елисей, Кузьма, Леонтий, Архип, Василий, Агафья, Аксинья* ва ҳоказо.

Рус тилидаги антропоцентрик мақолларда машҳур шахслар: мутафаккирлар, сиёсатчилар, саркардалар, ёзувчилар, шоирларнинг исмлари ҳам ўз ифодасини топган: *Платон, Бонапарт, Сусанин, Суворов, Пушкин, Ленин, Гитлер, Чкалов*.

Қайд қилиш жоизки, рус тилидаги антропоцентрик мақолларга отларнинг қисқартирилган, сўзлашувга хос ва кичрайтириш-эркалаш шакллари қўлланилиши хос: *Агния – Агаша, Агашка, Аника; Акулина – Акуля, Акулька; Алена – Аленка, Аленушка; Александр – Сашка; Алексей – Алеха, Алеша* ва бошқалар. Бундан ташқари, рус тилидаги таҳлилга тортилган гуруҳга оид мақолларда кишининг фамилияси ва отасининг исми қўлланилишини кузатиш мумкин: *Андронов, Дзюндя, Доброходов, Ефремихин, Ефремов, Зырянин, Иванов, Манухов, Минин, Харитин, Никонец, Петров, Суеслов, Шуйский, Яковец, Иванович, Иванныч, Кудрявич, Лазаревич, Фомич, Андреевна, Ивановна, Кузьминична, Мосевна, Карилловна, Федосьевна* ва бошқалар. Шунингдек, рус тилидаги антропоцентрик мақолларда ҳам атоқли, ҳам турдош шахс отларининг қўлланилиши кузатилади: *адамы (Адам), андроны (Андрон), артамоны (Артамон)*.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда қўлланилувчи ҳар бир шахс оти муайян вазифани бажариб, уларнинг энг муҳими – ушбу исм машҳур бўлишига сабабчи бўлган шахс характеристикасининг эталони (физиологик жиҳатлари, хулқ-атвори, қилмишлари, қаҳрамонлиги/сотқинлиги ва ҳоказо)ни акс эттириш.

Антропоцентрик мақолларда шахс отлари билан бир қаторда турдош отлар ҳам кенг қўлланилади. Улар турли образли-баҳоловчи мазмун бағишлаб, инсонга турли жиҳатларга кўра баҳо беради.

Хуллас, ўзбек ва рус тилларидаги мақолларда қўлланилувчи инсон исмлари бой образли асосга эга бўлиб, ўзбек ва рус халқларининг устувор қадриятлари юзасидан ҳуоса чиқариш имконини берувчи лингвомаданий характердаги ахборотни ўзида сақлайди. Бу эса таҳлилга тортилган бирликларда турли маданий кодларнинг акс этиши билан тақазо этилади.

Маданий кодлар – маданий категория бўлиб, улар тарихий ва маданий давр томонидан белгиланадиган маданий матнлардаги вербал ва новербал белгилар ва уларнинг комбинациясидан фойдаланган ҳолда қайд қилинади. Маданий код – бу воқеликнинг руҳий ва амалий қабул қилишни енгиллаштиришга хизмат қиладиган рамзий бирликларда ифодаланган халқнинг маданий-тарихий тажрибасидир.

Атроф олам инсон учун мураккаб идрок объектидир. Бир инсоннинг ҳаёти давомида атрофдаги воқеликнинг хилма-хиллигини англаш, унга мослашиш ва яшашнинг мақбул усулларини ишлаб чиқиши мумкин эмас. Инсон ва табиат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларга оид барча ютуқларни етказиш, шунингдек, ўзини ўзи англашнинг ноёб воситаси бўлган тил инсон ҳаёти учун зарур бўлган барча маълумотларни маданий кодлар кўринишида қайд қилади.

Табиийки, лингвوماданий жамиятнинг маданий ва тарихий тажрибаси турлича, шунга мувофиқ, турли сатҳларга хос тил бирликлари орқали ифодаланувчи маданий кодларнинг турлари ҳам хилма-хилдир. Шундай қилиб, Г.А. Багаутдинова фикрича, антропоцентрик фразеологияда антропоморф, биоморф, объектли, анимистик, мифологик, темпорал, маконий (географик), колоратив, квантитатив, терминологик маданий кодлар бўлиши мумкин ²³. Назаримизда, Г.А. Багаутдинова томонидан антропоцентрик фразеология мисолида ажаратилган маданий кодлар антропоцентрик мақолларда ҳам худди шундай аниқланиши мумкин, чунки маданий код маданият соҳасига тегишли бўлган тушунча бўлиб, у айна вақтда лексик бирликлар ва фразеологик бирликлар билан бир қаторда сўз-лексемалар, мақоллар, маталлар, топишмоқлар, чистонлар ва бошқалар сингари тилнинг лексик бирликларига киради.

Ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақоллар образларининг маданий кодлари Г.А. Багаутдинова томонидан аниқланган барча турларда намоёниш қилинган. Диссертация ишимизда антропоморф маданий коднинг антропоцентрик мақоллардаги намоёниши таҳлил қилинди, чунки ушбу маданий код инсон танасининг турли қисмлари ва органлари номлари орқали ўз ифодасини топади.

Антропоморф маданий код соматик (танага оид) код деб ҳам аталади ва бунда тананинг турли қисмларига хос рамзий функциялар билан аҳамиятлидир, масалан, одамни унинг боши орқали рамзий ифодалаш мумкин: *считать по головам; ну, ты голова!*, елкаси орқали: *на ее плечах лежала большая ответственность*, қўли орқали: *не хватает рабочих рук; мастер – золотые руки; правая рука; он остался с маленьким ребенком на руках; отдам в хорошие руки; через мои руки проходит вся почта*. Шу билан бирга, қўл нафақат инсонни, балки унинг мансабини: *взять регион в свои руки, держать в руках весь город*; бирор нимага эгалик қилишини: *иметь в*

²³ См. подробно: Багаутдинова Г.А. Человек во фразеологии: антропоцентрический и аксиологический аспекты: Автореф. дисс ... докт. филол. наук. – Казань, 2007. – С. 25.

руках, получить на руки; иш қуроли маъносини: ручная работа ва бошқа рамзий маъноларни ҳам ифодалаши мумкин.²⁴

Антропоморф тушунчаси одамсимон, одамга ўхшаш, унга тенглаштира бўладиган маъноларни англатади. Антропоморф маданий код борлиқдаги предмет ва ҳодисаларни инсон табиати, хусусиятлари ҳамда фазилатлари нуқтаи назаридан баҳолашдан иборат.

Антропоморф маданий коднинг асосий образи инсондир. Инсон антропоцентрик мақолларда ҳам асосий ҳисобланади. Бу эса антропоцентрик мақоллар ва антропоцентрик маданий кодларнинг умумийлигидан дарак беради. Шунга қарамай, антропоморф маданий код нафақат антропоцентрик мақолларда, балки бошқа матнларда ҳам намоёиш қилиниши мумкин.

Маълумки, ўзбек ва рус тилларида одамларнинг дунёқарашини ва уларнинг турмуш тарзини англаш калити сифатида антропоморф маданий кодни ўз ичига олган кўплаб антропоцентрик мақоллар мавжуд. Бундай мақоллар ўзига хос маркерлар – инсон образи ва танасининг турли қисмлари ҳамда органлари номларини ўз ичига олади. Масалан: *Бир кўзликлар элига борсанг, бир кўзингни қисиб юр. Бир калла – калла, икки калла – тилла. Соғлом танда – соғлом ақл. Кўнгли қоранинг юзи қора. Яхши ошини ер, ёмон – бошини. Яхшининг қўли сингунча, ёмоннинг бели синсин; Ножки с подходом, ручки с подносом, сердце с покором, голова с поклоном, язык с приговором. Маленькие дети тяжёлы на коленях, а большие – на сердце. Заушины языком не слизнешь. Пока сердце не заболит, глаза не плачут. Глаза с поволокой, роток с позевотой. Жену выбирай не глазами, а ушами.* Кўриб турганимиздек, антропоморф маданий кодни ифодаловчи ўзбек ва рус тилларидаги мақолларда инсоннинг биологик мавжудот сифатида ўз призмаси орқали дунёни кўриши акс этган.

Антропоморф маданий код ўрганилаётган ўзбек ва рус тилларидаги мақолларда инсонни англаувчи *голова, мозг, волос, лицо, лоб, глаз, нос, ухо, рот, губа, язык, зубы, борода, ус, шея, тело, кость, плечо, рука, локоть, кулак, палец, ноготь, грудь, сердце, спина, живот, нога, колено, пятка* сингари антропоморф метафоралар орқали акс эттирилади. Масалан, ўрганилаётган тилларнинг антропоцентрик мақолларидаги антропоморф маданий кодни намоёиш қилувчи белги моддийликнинг руҳийликка қарама-қаршилигини ифодалашга хизмат қилади: *Тан оғриса, жон сезар. Тан саломати – жон роҳати. Тани соғнинг – жони соғ; Саёҳат танга роҳат, тан эмас, жонга роҳат; Душа соғрешила, а тело в ответе. Доброе дело питает и душу и тело. Постарело тело – не страшно дело, постарела душа – считай, жизнь прошла.*

Ушбу гуруҳнинг баъзи мақолларида тана (шу жумладан, қалб билан ўзаро боғлиқ) одамни тўлалигича англатади: *Ўғирлик ош баданга ёқмас, ёмон бола ота-онага боқмас. Иссик овқат – танга роҳат; Что тело любит, то душу губит. Грешное тело и душу съело. Что телу любо, то душе грубо.*

²⁴ Красных В.В. Коды и эталоны культуры (приглашение к разговору). // Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. – М.: МАКС Пресс, 2001. – Вып. 19. – С. 7.

Бундай мақолларда одамнинг ҳаракатларига баҳо метафора сифатида келтирилиши мумкин: *Тананинг турқи туққанига маълум. Уйи бошқа ғам билмас, танаси бошқа – дард; И на здоровом теле может вскочить нарыв. Тело вынеживаем, а душу не спасаем. Не по телу погребенье, не по душе поминанье.*

Юқоридаги каби антропоморф маданий код ифодаланган антропоцентрик мақолларида инсон танаси меҳнат, иш билан узвий боғлиқдир. Аксарият ҳолларда соғлом ва кучли тана қадрланади, масалан: *Тан саломати – жон роҳати. Соғлом танда – соғлом ақл. Тани соғга кунда тўй. Камбағалнинг бойлиги – танининг соғлиги; В здоровом теле – здоровый дух. Крепок телом – богат и делом. В порном теле (айни кучга тўлган пайт) выстоишь в деле. Тананинг немилый, непригожий эпитетлари ёрдамида таърифланиши ишга яроқсизликни англатади: Коли не мил телом, не мил и делом. Коли не мил телом, не приробишься делом. Телом не мил, так и делом не мил. Аммо тананинг яроқчилиги ҳам унинг иш учун яроқчилиги қафолати эмас: Пригож телом, да хорош ли делом? Пригожа телом, да какова делом? Статен телом, да хорош ли делом?*

Тананинг ишлашга яроқчилиги тананинг катталигига ёки ёшига қараб баҳоланмайди: *Бош бўлмаса, гавда – лош; Велик телом, да мал делом. Мал телом, да велик делом. Молод телом, да старенек делом.*

Таъкидлаш лозимки, ушбу кичик гуруҳга оид ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда яроқчилик, тананинг парваришланганлиги маъқулланади, чунки иш масаласида одамга баҳо бериш шу билан боғлиқ: *Савдо говгасиз бўлмас, полвон – гавдасиз. Не люб телом – не пробьешься делом. Не мил телом – не угодишь и делом. Не люб телом – не угодлив и делом.* Бироқ, мақолларда одам танаси кўнгилдагидек бўлмаса ҳам, у ақлий жиҳатдан кучли бўлиши мумкинлиги инкор қилинмайди: *хотя телом непригож, да ловок умом. Аёлларга нисбатан олганда эса, ҳеч ишга ярамайдиган, аммо чиройли кўринишга эга бўлганларга куйидагича муносабат билдирилади: Телом бела, хоть делом худа, глупее кто любит.*

Антропоморф маданий кодни ифодаланган ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда тана жонсиз тасвирланиши ҳам мумкин: *Суяк синса, эт қолар, жасад чириса, от қолар. Сувсиз ер – жонсиз жасад; Мертвым телом хоть забор подпирай* (вариант: *Мерзлым телом хоть забор подпирай*). *Без мертвого тела ни один праздник не обходится, соғлиқ ҳам моддий шароитдан устун қўйилади: Лучшие иметь тело здоровое, нежели богатство безмерное.* Кексаликда соғлиқ йўқотилади, ҳаёт қувончи хиралашиб боради: *Бош кетди – тана ҳайрон. Одам одамга ганимат, жон – гавдага; В старом теле как во льду, ибо То же тело, да клубком свертело.*

Тана ўзбек ва рус тилларининг антропоцентрик мақолларидаги антропоморф маданий коднинг маркери сифатида эр-хотинлик муносабатлари, жинсий яқинликни ифода этишга ҳам хизмат қилади. Масалан, эр ва хотин ўртасидаги муҳаббатнинг йўқлиги оиладаги низоларга олиб келади: *Не уноровишь телом, так (дак) не уноровишь и делом. Ва,*

аксинча, эр ва хотин ўртасида севги бўлса, шундай изоҳланади: *Тотувнинг тани бир; Милый ударит – тела прибавит.*

Шундай қилиб, тана ўзбек ва рус тилларининг антропоцентрик мақолларидаги антропоморф маданий код белгиси сифатида инсон танасини мавҳумликка қарама-қарши моддийлик сифатида рамзий ифодалайди. Тананинг характеристикаси унинг фойдалилиги, меҳнатга яроқлилиги, соғлиги, ёши, эр-хотинлик муносабатлари ва жинсий яқинлик мезонларига мувофиқ амалга оширилади.

Хуллас, ўзбек ва рус тилларида одамларнинг дунёқараши ҳамда турмуш тарзини англаш калити сифатида антропоморф маданий кодни ўз ичига олган кўплаб антропоцентрик мақоллар мавжуд. Бундай мақолларда инсоннинг биологик мавжудот сифатида ўз призмаси орқали дунёни кўришини белгилаб берувчи инсон образининг, танасининг турли қисмлари ва органлари номларидан ибоат маркерлар мавжуд.

Диссертациянинг **“Ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда қадриятлар ва аксилқадриятлар тизими”** деб номланувчи тўртинчи бобида аксиологик мақоллар диадаларида қадриятлар тизимининг даражавий тавсифи акс эттирилади, ўрганилаётган тилларнинг антропоцентрик мақолларидаги қадриятлар/аксилқадриятлар тизими ифодаланишининг ўзига хос хусусиятларини очиқ берилади.

Қадрият аксиологик категория сифатида инсон ва ёки жамиятнинг реал ёки ҳаёлий оламдаги муайян объектлар, воқеалар ва ҳодисаларга ижобий ёки салбий муносабатини билдиради, ушбу муносабат эса уларнинг меъёрийлик, аҳамиятлилиқ, шахс ва жамият учун фойдалилик, шунингдек, кишилар эҳтиёжларини қондириш учун яроқлилиқ каби объектив-субъектив баҳолаш характеристикаларига асосланади.

Қадрият тушунчаси турли фанларнинг, хусусан, фалсафа, психология, социология (жамиятшунослик), маданиятшунослик, аксиология ва бошқа ижтимоий фанларнинг, шу жумладан, филологиянинг ўрганиш предмети ҳисобланади.

Фалсафий талқинда қадрият бу шахс ёки ижтимоий-маданий жамият учун маълум бир аҳамиятга эга бўлган борлиқнинг объектлари ва ҳодисаларидир. Қадриятлар инсоннинг ташқи дунё билан ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Инсон учун муҳим бўлган нарса қадрийдир. Атроф борлиқнинг объектлари ўз ҳолича қадриятга хос хусусиятларга эга бўлолмайди – улардаги баҳолаш маъноси инсонлар туфайли орттирилади.

Қадриятни аниқлашга психологик ёндашиш унинг психик бошқариш функциясига асосланади. Психологияда қадрият мотивацион ва когнитив ҳосилдир, чунки у шахснинг ижтимоий воқеликни идрок қилиш жараёнини олдиндан белгилаб беради ва шу билан бирга унинг хулқ-атворини психик бошқаришни амалга оширади²⁵. Бу шахс томонидан хулқ-атворнинг маълум усулини, мавжудликнинг сўнгги мақсадига хулқ-атворнинг қарама-қарши

²⁵ Лебедева Н.М. Ценностно-мотивационная структура личности в русской культуре. // Психологический журнал, № 3, 2001. – С. 26.

усули ёки мавжудликнинг сўнгги мақсадини маъкул кўришига аниқ ишонч ҳосил қилиши кўринишида намоён бўлади.²⁶

Социологияда қадрият тушунчаси ўз навбатида унинг ижтимоий бошқариш функцияларига асосланиб талқин қилинади. Ижтимоий қадриятлар бир вақтнинг ўзида тадқиқот ва маданиятшунослик объекти бўлган стереотиплар, идеаллар, меъёрларда мустаҳкамланган ахлоқий қадриятлар билан ифодаланади. Социология қадриятларни жамиятни бошқарадиган мафкуранинг шаклланишидаги салоҳият нуқтаи назаридан ўрганса, маданиятшунослик уларни маданиятнинг элементи сифатида ўрганади.

Аксиологияда қадрият деганда шахс ёки жамият учун объектнинг аҳамияти тушунилади. Объектни ҳам ижобий, ҳам салбий баҳолаш мумкин бўлганлиги сабабли, ҳар бир қадрият биполяр (икки қутбли) структура сифатида кўрилади ва унинг қарама-қарши томони бўлиши мумкинлиги тақозо қилинади.

Тилшуносликда қадрият ҳар бир шахснинг, лингвомаданий жамиятнинг аксиологик лисоний манзарасини моделлаштирувчи асосий элементдир.

Илмий адабиётларда қадрият тушунчасига берилган турли-туман таърифлар унинг инсон фаолиятида жуда муҳим ўрин тутишидан дарак беради, чунки бу унга ўз моҳиятини англаш ва хатти-ҳаракатларини, бошқа одамлар билан муносабатларини, ижтимоий ва меҳнат фаолиятини шакллантиришга имкон беради. Қадрият – инсоният тарихи давомида яратилган энг буюк маданий ҳодисадир.

Қадрият тушунчасининг илдизлари жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Маълумки, қадимги ва ҳозирги замон тарихида кўплаб буюк шахслар эътироф этилади: файласуфлар, нотиклар, олимлар, санъат ва дин арбоблари, ёзувчилар, шоирлар. Уларнинг ўлмас асарлари эса умумбашарий инсоний қадриятларни руҳнинг асосий мақсади сифатида тасдиқлайди, уларга эришиш учун инсон ўзининг фазилатларини ривожлантиради ҳамда яхшилик ҳақидаги тасаввурини шакллантиради. Ушбу қадриятлар одатда давлатнинг барқарорлиги билан ифодаланади: тинчлик, осойишталик, тенглик, ҳамжиҳатлик, қонун устуворлиги, меҳнат ва мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; барча учун эзгулик ва фаровонлик, инсонпарварлик, раҳм-шафқат, бағрикенглик, рационализм, шахсий фазилатларни ривожлантириш, табиат билан уйғунлик.

Замонавий талқинда қадрият тушунчаси (“аксия” – кадр-қиммат) биринчи марта стоиклар томонидан *яхшилик* ва *ёмонлик* фонида афзал деб билинадиган ва четлаб ўтиладиган *бепарволик* тушунчаларини ажратишга уринишлар баробарида изоҳланди: “Эзгулик тушунчаси, хусусан, адолат, жасорат, ақли расолик ва бошқа фазилатларни, ёвузлик эса уларнинг қарама-қарши томонларини ўз ичига олади. Бу ҳолатда яхши ёки ёмонга ажратиш мезони мос равишда фойда ёки зарар етказиш қобилятига асосланади. Стоиклар соғлиқ, гўзаллик, куч, бойликни “бефарқ”ликка киритишади,

²⁶ Гибатова Г.Ф. Аксиология в языке. // Вестник ОГУ, № 2 (121), 2011. – С. 128.

ваҳоланки улардан ҳам фойда, ҳам зарар етказиш учун фойдаланиш мумкин. Қизиғи шундаки, “бефарқлик” одам учун афзал ҳам бўлиши мумкин (масалан, соғлик) ёки хавфли ҳам бўлиши мумкин (касаллик)”²⁷. Хуллас, стоикларнинг ишларида афзал кўриладиган нарсга қадрият сифатида хавфли нарсга қарама-қарши қўйилади, афзал кўрилмайдиган нарсга эса қарши бўлган қадрият йўқ. Стоикларнинг таълимотларида қадрият аҳамиятлилик нуқтаи назаридан – инсон ҳаётидаги ҳамма нарсанинг фойдали ёки зарарлилиги билан белгиланади.

Қадриятлар устуворлик (афзаллик) даражаси бўйича лисоний онгда қадриятлар тизимини ҳосил қилган ҳолда муайян иерархик муносабатларга киришади. “Ҳар бир тарихий даврга қадриятлар ориентирларининг маълум қатори хос бўлиб, улар жамият тараққиёти жараёнида турли омиллар таъсири остида ўзгариб туради. Ўтиш давлари баъзи сабабларга кўра эскирган, тўғри келмайдиган бўлиб кўринадиган олдинги меъёрлар ва қоидаларни рад этадиган ўзига хос қаттиқ филтёр ролини ўйнайди. Сўнгра янги қадриятлар палитрасининг шаклланиши рўй беради”²⁸. Бироқ, бизнинг фикримизча, ҳар бир лингвомаданий жамиятнинг қадриятлар тизимида негиз, яъни халқ менталитетининг миллий-маданий ўзига хослиги тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини берувчи барқарор қадриятлар албатта сақланиб қолади.

Бизнингча, барқарор қадриятлар аслида ҳар қандай лингвомаданий муҳитда маъқулланадиган умуминсоний қадриятлардир. Халқ менталитетининг миллий-маданий ўзига хослиги ҳар бир этноснинг ушбу барқарор қадриятларни танлаб олиши ва уйғунлаштириши натижасида шаклланади.

Бундай изоҳ учун асос шундан иборатки, ҳар бир халқнинг барқарор қадриятлари унинг барча маданий матнларида, шу жумладан антропоцентриқ мақолларида қайд этилади. Инсон туғилгандан бошлаб ушбу қадриятлар билан ҳамоҳанг яшайди ҳамда уларни ўзига сингдириб боради, шу йўсинда жамият, тарих, маданият, адабиёт ва санъат орқали қабул қилинган қадриятлар рўйхатидан ўзига хос танловни амалга оширган ҳолда шахсий қадриятлар тизимини яратишга асос ҳозирлайди.

Шахс ва жамиятнинг лисоний онгидаги қадриятлар тизими ё дин, ё мафкура, улар орқали сингдирилган идеаллар ва адабиёт, маданият, санъат тамойиллари таъсири остида шаклланиб боради²⁹, бу эса ёш авлодни

²⁷ Емельянов В.В. Ценностные системы культур Востока: между нормой и идеалом. // Идеалы. Ценности. Нормы: Матер. VI Междунар. науч. конф. по востоковедению (Торчиновские чтения). – Санкт-Петербург: Изд-во Санкт-Петербургского университета, 2010. – С. 7-19.

²⁸ Харченко Л.Н., Березовская О.В. Понятие «Ценность» в отечественной научной литературе: к постановке проблемы. // Вестник Иркутского государственного технического университета, № 5 (76), 2013. – С. 294.

²⁹ Мутушев А.А. Понятие ценности в системе философского знания. // Теория и практика общественного развития, №. 5, 2015. – С. 117. См. также: Егоров И.А. Принцип свободы как основание общей теории регенерации. // Вопросы философии, № 3, 2000. – С. 3-21; Болдырев Н.Н. Структура и принципы формирования оценочных категорий. // С любовью к языку: Сб. науч. тр. – Воронеж: Изд-во Воронежского государственного университета, 2002. – С. 103-114; Брентано Ф. О происхождении нравственного познания. – СПб.: Алетейя, 2000. – 202 с.; Бубер М. Два образа веры. – М.: АСТ, 1999. – 592 с.; Внутренний мир человека: Семантические константы. – Иркутск: ИГЛУ, 2007. – 476 с.; Гак В.Г. Актантная структура грехов и добродетелей. // Логический анализ языка. Языки этики. – Москва: Школа «Языки русской культуры», 2000. – С. 90-96; Деев А.Н. Введение в теорию гармонии. – Новосибирск, 2001. – 295 с.; Постовалова В.И.

тарбиялашда ва баркамол ривожланган шахсни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Намоён бўлишининг барча тақдим этилган жиҳатларида қадрият ўз табиатининг икки томонлама хусусияти билан тавсифланади: ҳар қандай қадрият аксилқадриятга тўғри келади ва ҳар қандай қадриятлар тизимининг мавжудлиги мувофиқ тарзда аксилқадриятлар тизимини тақозо этади. Тил бирликларини аксиологик нуқтаи назардан ўрганиш маълум халқнинг аксиологик лисоний олам манзараси асосида ётувчи қадриятлар ва уларнинг фонида ажратиладиган аксилқадриятлар тизимини аниқлаш ва тавсифлаш имконини беради.

Фразеологик бирликларни аксиологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида Г.А. Багаутдинова “икки блокнинг бирлиги мавжудлигини очиб беради: улардан бири семантик жиҳатдан анъанавий қадриятлар билан боғлиқ бўлган фразеологик бирликларни, иккинчиси эса семантикаси анъанавий аксилқадриятлар билан боғлиқ бўлган фразеологик бирликларни ўз ичига олади”³⁰. Бундай ҳодисани изоҳлаш учун Г.А. Багаутдинова илмий қўлланиш доирасига аксиологик фразеологик диада терминини киритади.

Аналогик тарзда бизнинг диссертацион тадқиқотимиз материаллари аксиологик паремиялар, хусусан, мақоллар диадасининг мавжудлигини асослаши мумкин. Демак, диссертациямиз объекти ҳисобланган ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақоллар шахс ва жамиятнинг қадриятли ориентирлари сифатида ҳаётий фаолияти коррелятори бўлиб хизмат қилувчи анъанавий қадриятлар ва аксилқадриятларнинг аксиологик мақоллар диадасини акс эттиради.

Ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда келтирилган анъанавий қадриятлар ва аксилқадриятларнинг аксиологик мақоллар диадаси ўз ичига инсоннинг феъл-атвори, унинг физиологик, ҳиссий, маънавий-ахлоқий ва бошқа фазилатлари билан боғлиқ қадрият ориентирларини олади. Шу билан боғлиқ ҳолда, Г.А. Багаутдинова фразеологизмларнинг фактик материалида аксиологик диада билан ифодаланган қадриятларнинг уч даражасини ажратади:

I. Қадриятларнинг физиологик даражаси. Ушбу даражада муаллиф аксиологик диадаларнинг икки турини ўрганади: “Ҳаёт – Ўлим”, “Саломатлик – Касаллик”.

II. Моддий қадриятлар даражаси. Бу даражага “Бойлик – Қашшоқлик” аксиологик диадаси киради.

III. Қадриятларнинг ҳиссий даражаси. Ушбу даражада “Кулги – Йиғи” аксиологик диадаси ажратилади³¹.

Истина, добро и красота в учении о Божественных именах Деонисия Ареопагита. // Логический анализ языка. Языки эстетики: концептуальные поля прекрасного и безобразного. / Отв. ред. Н.Д. Арутюнова. – М.: Индрик, 2004. – С. 79-110.

³⁰Багаутдинова Г.А. Человек во фразеологии: антропоцентрический и аксиологический аспекты: Автореф. дисс ... докт. филол. наук. – Казань, 2007. – С. 6.

³¹Багаутдинова Г.А. Человек во фразеологии: антропоцентрический и аксиологический аспекты: Автореф. дисс ... докт. филол. наук. – Казань, 2007. – С. 31.

Тадқиқотимиз материали бўлган ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақоллар таҳлиliga асосланиб таъкидлаш мумкинки, қадриятларнинг физиологик даражада “Ҳаёт – Ўлим”, “Саломатлик – Касаллик”, аксиологик диадалардан ташқари “Ёшлик – Қарилик”, “Аёл – Эркак” каби диадалар ҳам ажратилади. Худди шунингдек, қадриятларнинг моддий ва ҳиссий даражалари бўйича ҳам аксиологик диадалар рўйхатини яна тўлдириш мумкин. Бундан ташқари, ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақоллар таҳлили асосида қадрият тизими таркибида аксиологик диадалар билан ифодаланувчи яна бир неча даражалар алоҳида ажратилади деган хулосага келдик. Шундан келиб чиққан ҳолда, Г.А. Багаутдинова томонидан таклиф этилган қадриятлар даражалари рўйхатини қуйидаги таркибий қисмлар билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ деб топдик:

IV. Қадриятларнинг ахлоқий даражаси. Ушбу даражада “Инсонийлик – Ғайриинсонийлик”, “Яхшилик – Ёмонлик”, “Виждон – Виждонсизлик”, “Мажбурият – Ҳуқуқ”, “Номус – Уят”, “Раҳм – Шафқатсизлик”, “Ҳурмат – Нафрат”, “Ҳалоллик – Ёлғончилик”, “Садоқат – Хиёнат”, “Беғаразлик – Таъмагирлик”, “Камтарлик – Такаббурлик” ва бошқалар. Масалан, ўзбек тилида: *Яхшилик – ёғоч бошида, ёмонлик – оёқ остида. Виждондан кечган йиқилар. Ёшнинг ҳурмати – қарз, қарининг ҳурмати – фарз. Қочоққа шафқат йўқ, қўрқоққа – ҳурмат. Сунурги ернинг ҳусни, камтарлик – эрнинг;* рус тилида: *В ком есть стыд, в том и совесть. Береги платье снову, а честь смолоду. Милостивому человеку и бог подает. Друга в верности без беды не узнаешь.*

V. Қадриятларнинг интеллектуал даражаси. Ушбу даража “Донолик – Аҳмоқлик”, “Ақл – Ақлсизлик”, “Илмлилик – Жоҳиллик”, “Оқиллик – Ўзбошимчалик”, “Ўзини-ўзи бошқариш – Назоратсизлик” ва бошқалар каби аксиологик диадалардан иборат. Масалан, ўзбек тилида: *Эл сени ақлли деса, сен элдан ақл ўрган. Бош тошга тегса, ақл бошга келар. Аҳмоқ билан гап талашгунча, мохов билан улоқ талаш. Қариликни донолик безар, ёшликни – камтарлик. Мард – курашда, дўст – ташвишда, доно газабда синалар;* рус тилида: *Умный любит учиться, а дурак учить. Дурака учить – только портить. Дома пан, а в людях болван. На всякого мудреца довольно простоты. Голова с лукошко, а мозгу ни крошки.*

VI. Қадриятларнинг эстетик даражаси. Ушбу даражага қуйидаги аксиологик диадаларни киритиш мумкин: “Ажойиблик – Ярамаслик”, “Гўзаллик – Бадбашаралик”, “Покизалик – Исқиртлик”, “Дидлилик – Дидсизлик”, “Тозалик – Иркитлик” ва ҳоказо. Масалан, ўзбек тилида: *Кишининг чиройи юзида. Пардоз қилган чиройли, аммо ҳусни бир ойли. Сумбул тақимда, йигит кўзи унда. Гул ўсса – еминг кўрки, қиз ўсса – элнинг кўрки. Дидсиз ўтирган ерини ҳам чангитар;* рус тилида: *Нечего на зеркало пенять, коли рожа крива. Мужик чуть краше черта – уже красавец. Красивый – на грех, а дурной – на смех. В праздник – Груша, а в будень – клуша.*

VII. Қадриятларнинг ижтимоий даражаси. Ушбу даражада “Оила – Ёлғизлик”, “Болалар – Боласизлик”, “Жамоа – Шахс”, “Никоҳ – Ажралиш” ва

бошқалар каби аксиологик диадалар намоён бўлади. Масалан, ўзбек тилида: *Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер. Балиқнинг куни кўл билан, ботирнинг куни эл билан. Бирлашган ёвни қайтарар. Ёлғиз ботир ёвга йўқ, ёлғиз йигит довга йўқ. Уйга сизмаган элига сизмас*; рус тилида: *Артель атаманом крепка. Все за одного – один за всех. Доброе братство дороже всякого богатства. Кто со всеми, у того и стрелы, а у одиночки и лук пропадает.*

VIII. Қадриятларнинг сиёсий даражаси. Ушбу даражага “Озодлик – Зулм”, “Тенглик – Тенгсизлик”, “Қонунийлик – Зўравонлик”, “Мустақиллик – Қарамлик” ва бошқа диадаларни киритиш мумкин, масалан, ўзбек тилида: *Подшоҳ қарга бўлса, еганинг гўнг бўлар. Черчидан подшо бўлса, инъоми игна бўлар. Подшо золим бўлса, юрт тўзар, подшо одил бўлса, юрт ўзар. Подшо тахтидан тойса, вазири гадо бўлар. Подшо фуқаро билан подшо*; рус тилида: *Где власть народа, там победа и свобода. Пеший конному не товарищ. Слабого огонь войны испепеляет, а сильного, как сталь, закаляет. Законы – миротворцы, да законники – крючкотворцы.*

IX. Қадриятларнинг диний даражаси. Ушбу даражага “Худо – Иблис”, “Эътиқод – Эътиқодсизлик”, “Жаннат – Жаҳаннам”, “Кечирим – Қасос”, “Яратилиш – Ҳалокат” ва бошқалар каби аксиологик диадалар киради. Масалан, ўзбек тилида: *Таваккални худога қил. Худога ишониб, оч қолма. Худо урганни пайғамбар ҳам ҳассаси билан туртар. Одам шайтони – одам. Банданинг боши – Оллонинг тоши*; рус тилида: *Бог не без милости, казак не без счастья. Отстанет Бог, покинут и добрые люди. Что край, то обычай; что народ, то и вера. Господь умудряет слепца, а дьявол искушает чернеца. Человек церковь создает, а дьявол свой придел строит.*

X. Касбий фаолиятга оид қадриятлар. Ушбу даража қуйидаги диадаларни акс эттиради: “Масъулиятлилик – Бепарволик”, “Ижрочилик – Мужмаллик”, “Интизомлилик – Ахлоқсизлик”, “Муваффақиятлилик – Муваффақиятсизлик”, “Интилувчанлик – Иродасизлик”, “Пухталилик – Тартибсизлик”, “Тиришқоқлик – Бепарволик”, “Меҳнатсеварлик – Дангасалик” ва бошқалар. Масалан, ўзбек тилида: *Аҳди борнинг бахти бор. Бахт ялқовга бегона. Бекорчидан эл безор, сўзидан кўнгил озар. Бировнинг бергани – кўргулик, меҳнатнинг бергани – тўйгулик. Бог жамоли – богбондан*; рус тилида: *На ловца и зверь бежит. Ноги носят, а руки кормят. У всякого Гришки свои делишки. Тяжело спине – легче сердцу. Работа да руки – надежные в людях поруки, работай боле – тебя и помнить будет доле.*

Ушбу рўйхат қадриятлар тизимининг бошқа даражалари билан кенгайтирилиши мумкинлигини истисно қилмаймиз. Биз ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларни таҳлил қилишда бевосита аниқлаган қадриятлар даражасини тақдим этдик.

Шундай қилиб, ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақоллар анъанавий қадриятлар ва аксилқадриятларнинг аксиологик мақолларида ифодаланган қадриятлар тизимининг даражаларини акс эттиради.

ХУЛОСА

1. Тилшуносликда антропоцентризм тилни инсон томонидан муайян фаолиятни ўзлаштиришнинг маданий шакллари ва механизмларини эгаллаш воситаси сифатида ўрганиш билан тавсифланади, мазкур жараёнда унинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун асос сифатидаги дунёқараши шаклланиб боради.

2. Лисоний шахснинг аксиологик олами манзарасини ташкил қиладиган маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-маданий қадриятлар тизими инсоннинг хатти-ҳаракатларида ва коммуникатив ахлоқида намоён бўладиган жамиятдаги шахснинг ўзини ўзи бошқариши бўйича мослашувчан механизми ҳисобланади.

3. Антропоцентрик мақолларда инсон ва унинг хусусиятлари, атрофдаги воқеликнинг предмет ва ҳодисалари ҳақида баҳоловчи маълумотлар мавжуд бўлиб, улар инсоннинг хатти-ҳаракатларини белгилаб беради, бу эса мазкур мақолларнинг аксиологик аҳамияти масаласини кўтариш имконини беради. Айнан бир хил баҳонинг вазиятдан келиб чиқиб ҳам ижобий, ҳам салбий маънода қўлланиш хусусияти унинг нисбийлигига ишора қилади.

4. Шахс ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда марказий образ сифатида баҳоланади ва аксарият ҳолларда баҳоланиш маъноси унинг ташқи (жисмоний) ва ички (ахлоқий ва маънавий) фазилатлари, касб-кори, ижтимоий ва оилавий аҳволи, жинси, ёши, қариндошлик муносабатлари ва бошқаларни акс эттирувчи исм (ном)да ўрин олган бўлади.

5. Ўрганилаётган тиллардаги антропоцентрик мақолларда ахлоқий, эстетик, ақлий-интеллектуал, прагматик, валеологик, ҳиссий, меъёрий каби турлар орқали намоёниш қилинган инсонни баҳолаш ушбу маънонинг биполярлиги билан тавсифланади.

6. Қадрият – нафақат лисоний шахс, балки умуман лингвомаданий жамиятнинг аксиологик олами манзарасини моделлаштирувчи элемент бўлгани ҳолда, шахсга ўзининг моҳиятини англаш имконини беради ва муайян вазиятда хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатлар турини танлашини белгилаб беради.

7. Қадриятлар умуман бирор халқ миллий онгининг ўзига хослиги ва алоҳида шахсларнинг ҳаёт тарзи сифатида баҳолаш шкаласининг жамиятда ўрнатилган меъёрларига мувофиқ инсон фаолиятини баҳолашни олдиндан белгилаб беради: яхши – ёмон, мумкин – мумкин эмас, ижобий – салбий, рухсат берилган – тақиқланган, зарур – исталган, фойдали – зарарли ва бошқалар.

8. Инсоннинг ва/ёки жамиятнинг реал ёки ҳаёлий оламдаги объектлар, ҳодисалар, воқеаларга қадрият ёки аксилқадрият сифатида ижобий ёки салбий муносабати уларнинг объектив/субъектив баҳолаш хусусиятларига, масалан меъёрийлик, аҳамиятлилик, фойдалилик ва инсон эҳтиёжларини қондириш учун яроқлилигига асосланади.

9. Лингвомаданий жамиятнинг қадриятлари тизими умумий ҳамда фақат маълум бир халққа хос бўлган хусусий жиҳатларга эга бўлиши мумкин.

10. Халқ менталитетининг миллий-маданий ўзига хослиги ҳар бир этносга хос бўлган барқарор қадриятлар танлови ва уйғунлашуви орқали шакллантирилади. Инсон мазкур қадриятлар билан маданий матнлар, шу жумладан антропоцентрик мақоллар орқали танишиши баробарида унинг ўзигагина хос бўлган шахсий қадриятлар тизимини яратади, бинобарин, бу ҳам жамият, тарих, маданият, адабиёт ва санъат томонидан сингдирилган қадриятлар рўйхатидан ўзига хос танлов ҳисобланади.

11. Шахс исмлари киши номинацияси усули сифатида кўпроқ русча мақолларга хос бўлиб, шу ном орқали танилган кишининг тавсифий эталонини (физиологик жиҳатлари, хулқ-атвор, хатти-ҳаракатлар, қахрамонлик/хиёнат ва бошқалар) акс эттиради.

12. Ўрганилаётган тилларнинг антропоцентрик мақолларидаги кишиларни турдош отлар билан номлашнинг аксиологик функцияси – ҳар хил мажозий баҳолаш маъноларининг ифодаланиши ва инсоннинг физиологик хусусиятлари: гўзаллик, соғлиқ ва тананинг ҳолати, танадаги нуқсонлар, ёши, жинси; миллати; қариндошлик ва эр-хотинлик муносабатлари; фаолият тури; мансаб; мавқе; ишининг бор/йўқлиги, бандлик/бекорчилик; молиявий аҳвол; қизиқишлар; характер, фазилатлар; ва ҳ.к. ларни баҳолашдан иборат.

13. Ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда одам образининг, танасининг турли қисмлари ва аъзоларининг номлари антропоморф маданий коднинг ифода воситалари сифатида хизмат қилади, бинобарин, антропоморф маданий код халқнинг олами идрок қилиши ҳамда унинг турмуш тарзи, шунингдек, инсоннинг биологик мавжудот сифатида ўз призмаси орқали олами кўришини англаш калити ҳисобланади.

14. Ўзбек ва рус тилларидаги атропоцентрик мақоллар одамнинг феъл-атвори, физиологик, ҳиссий, маънавий, ахлоқий ва бошқа фазилатлари билан боғлиқ бўлган анъанавий ва аксилқадриятлар ифодаланган аксиологик мақоллар диадаларидан иборат.

15. Ўрганилаётган тилларнинг аксиологик мақоллар диадаси физиологик, моддий, ҳиссий, ахлоқий-этик, интеллектуал, эстетик, ижтимоий, сиёсий, диний, шунингдек, касбий фаолиятга оид қадриятлар кабилардан иборат қадриятлар тизимининг даражаларини акс эттиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ**

МАДЖИДОВА РАЪНО УРИШЕВНА

**АКСИОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ
АНТРОПОЦЕНТРИЧЕСКИХ ПОСЛОВИЦ (НА МАТЕРИАЛЕ
УЗБЕКСКОГО И РУССКОГО ЯЗЫКОВ)**

10.00.11 – Теория языка. Прикладная и компьютерная лингвистика

АВТОРЕФЕРАТ

ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSc) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Фергана – 2020

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.1.DSc/Fil216

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и Информационно-образовательном портале «ziyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Сапарова Кундуз Отабоевна
доктор филологических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Хошимов Ғанижон Мирзаахметович доктор
филологических наук, профессор
Маматов Абди Эшонкулович
доктор филологических наук, профессор
Салимов Рустам Давлетович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 при Ферганском государственном университете (Адрес: 100151, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19. Тел.: 0-373 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирована за №_____). Адрес: 100151, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19. Тел.: (873) 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2020 года.

(Реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2020 года)

А.А. Қосимов

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор филол. наук, профессор

И.Т. Хожалиев

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, канд.
филол. наук, доцент

А.Б. Мамажонов

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор филол. наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом научном сообществе на сегодняшний день общепризнанным является тот факт, что ценность как аксиологическая категория составляет основу жизнедеятельности, мировоззрения, поведенческих и культурных стереотипов любого индивида и лингвокультурной общности в целом. Проблемы аксиологии в целом и находящейся на стадии становления аксиологической лингвистики в частности характеризуются антропоцентрической направленностью, поскольку предметы, явления и события окружающей действительности обладают ценностной значимостью только в человеческом сознании. Значимость референтов фиксируется в сознании индивида в виде оценочного значения вербализирующих их языковых единиц, особое место среди которых принадлежит паремиологическому фонду языка, в том числе и пословицам. Изучение ценностно-значимостного аспекта паремиологических единиц в рамках антропоцентрического подхода имеет, в связи с этим, важное теоретическое и практическое значение.

В настоящее время в мировой лингвистике аксиологическая интерпретация антропоцентрических паремиологических единиц становится особенно злободневной в связи с расширением сферы влияния информационных технологий на сознание еще недостаточно сформировавшейся молодежи, с глобализацией общества и интеграцией различных лингвокультур, с нестабильностью социально-политической обстановки в мире и угрозами религиозного экстремизма и террора, с нарастающей аморальностью в повседневной жизни членов мирового сообщества и др., поскольку в паремиях, в особенности антропоцентрических, находит свое отражение веками сложившаяся в языковом сознании народа система духовно-нравственных и социально-культурных ценностей, которые служат адаптативным механизмом саморегуляции индивида в социуме, проявляемой в его поступках, действиях, коммуникативном поведении.

В отечественном языкознании важное значение приобретает изучение проблемы сосредоточенности в пословицах выработанных лингвокультурной общностью культурных кодов, регламентирующих и регулирующих поведенческую деятельность человека. Оценочные значения вербальных маркеров культурных кодов в пословицах отражаются посредством аксиологической шкалы, включающей в себя положительную или отрицательную оценку описываемого объекта по параметрам: *хорошо – плохо, можно – нельзя, положительно – отрицательно, разрешено – запрещено, необходимо – желательно, полезно – вредно* и т.п., что непосредственно коррелирует с обозначенными в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017-2021 годах основополагающими ценностями государства и узбекского народа в проведении широкомасштабных реформ в стране: ценность человека как личности, благоустроенность его жизни, верховенство Закона, справедливость, свобода,

гарантия надежной защиты прав граждан, частной собственности, развитие предпринимательства, забота о социально уязвимых слоях населения, здоровье, обеспеченность жильем, социально-политическая активность женщин, творческая созидательность, образование, культура, наука, литература, искусство, активный образ жизни, спорт, гармонично развитая молодежь, мир, межнациональное согласие, добрососедство, религиозная толерантность, независимость, стабильность, безопасность и др.³² Диссертационная работа посвящена анализу и описанию аксиологических свойств антропоцентрических пословиц узбекского и русского языков, выявлению особенностей репрезентации в них антропоморфного культурного кода, раскрытию уровней системы ценностей и антиценностей в аксиологических пословичных диадах.

Диссертационное исследование содействует решению задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-1875 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года, № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года; Постановлении Кабинета Министров № 610 «О мерах по дальнейшему совершенствованию качества обучения иностранным языкам в образовательных учреждениях» от 11 августа 2017 года, № 3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в сфере науки и образования.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологии республики I. Развитие инновационной экономики, социальное правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информационного общества и демократического государства.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Научные исследования в области лингвистической аксиологии в рамках антропоцентрического подхода осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе в таких, как Люблинский университет им. Марии Кюри-Склодовской (Польша), Австралийский национальный университет (Австралия), Институт языкознания Российской академии наук (Россия), Научно-исследовательская лаборатория «Аксиологическая лингвистика» (Волгоградский государственный технический университет, Россия), Санкт-Петербургский государственный университет (Россия), Иркутский государственный университет (Россия) и др.

³² Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947.

В результате исследований проблем отражения в человеческом сознании и языке аксиологического восприятия окружающего мира получены научные результаты, в том числе: изучена взаимосвязь оценки как аксиологической категории со смежными понятиями философии, логики, этики и эстетики, разработана программа аксиологического описания языковой картины мира и культурных доминант (Научно-исследовательская лаборатория «Аксиологическая лингвистика» при Волгоградском государственном техническом университете, Россия), проанализированы способы грамматической реализации аксиологических категорий (Институт языкознания Российской академии наук, Россия), создана методика аксиологического анализа языковых единиц в этнолингвистическом аспекте (Люблинский университет им. Марии Кюри-Склодовской, Польша), сконструирована модель оценочной структуры политического дискурса (Австралийский национальный университет (Австралия), разработан семиотрический метод ценностных смыслов (Иркутский государственный университет, Россия), описаны основы ценностного анализа языка СМИ (Санкт-Петербургский государственный университет, Россия) и др.

На сегодняшний день аксиологические исследования языка проводятся по следующим приоритетным направлениям: этносемиотрия ценностных смыслов; взаимосвязь духовно-нравственных качеств языковой личности с общечеловеческими ценностями; аксиологический потенциал фразеологического фонда языков; ценностные установки в общественно-политической и в частности управленческой деятельности; ценностные аспекты возрастных категорий; ценностные представления о денежных отношениях, семье, времени; гендерные особенности формирования системы ценностей; и т.п.

Степень изученности проблемы. Проблемы отражения ценностных смыслов в языковом сознании индивида и лингвокультурной общности нашли освещение в трудах Н.Д. Арутюновой, А. Вежбицкой, Ю.Д. Апресяна, Н.О. Лосского, В. Франкла, В.И. Карасика, В.П. Тугарина, С.В. Воркачева, В.Н. Телия, О.Г. Дробницкого, М.С. Каган, А.А. Ивина, Е.М. Вольф, Н.Л. Юган, М.И. Любиной, Г.А. Багаутдиновой, Т.Г. Бочиной, Н.Д. Федяевой, М.А. Бредис, В.М. Найдыш, З.С. Ариповой, А.А. Берсеневой, Б.М. Джураевой, К.Н. Назарова, Р.Х. Рузиевой³³ и др.

³³ Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Событие. Факт. – М.: Наука, 1988. – 341 с.; Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – М.: Русские словари, 1996. – 416 с.; Апресян Ю.Д. Образ человека по данным языка. // Вопросы языкознания. – М., 1995. – № 1. – С. 67-34; Лосский Н.О. Бог и мировое зло. – М.: Терра, Республика, 1999. – 432 с.; Франкл В. Человек в поисках смысла. – М.: Прогресс, 1990. – 366 с.; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. – 477 с.; Тугарин В.П. Избранные философские труды. – Л.: Изд-во Ленинградского университета, 1988. – 344 с.; Воркачев С.Г. Речевые поступки и оценка моральных качеств личности: показатели безразличия в психологических отношениях. // Филологические науки. – М., 1993. – № 3. – С. 85-91; Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. – 288 с.; Дробницкий О.Г. Моральная философия. Избранные труды. – М.: Гардарики, 2002. – 523 с.; Каган М.С. Философская теория ценности. – Санкт-Петербург: Петрополис, 1997. – 205 с.; Ивин А.А. Аксиология. – М.: Высшая школа, 2006. – 390 с.; Вольф Е.М.

